

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Йилнинг Ҳар чорагида чоп этиладиган ахборот-таҳлилий бюллетени

«Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқбонлик таълими» Лойиҳаси

№ 2 сон [июл-сентябр 2009 йил]



Европа
Комиссияси



Уруш ва тинчликни
ёритиш институти (IWPR)

Муҳтарам муштарийлар!

Эътиборингизга Марказий Осиё давлатларидаги инсон ҳуқуқлари бўйича долзарб масалаларни ёритувчи ахборот-таҳлилий бюллетенининг иккинчи сонини ҳавола этамиз. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу бюллетенни фойдали ва қизиқарли дея топганларнинг барчасига ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Бюллетень Британиянинг Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) томонидан Европа Комиссияси кўмагида амалга оширилган “Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқбонлик таълими” лойиҳаси доирасида чоп қилинмоқда. Лойиҳа мақсадларидан бири жамоатчиликнинг Марказий Осиё давлатларидаги инсон ҳуқуқлари бўйича кундалик муаммоларидан хабардорлигини оширишдир. Бугунги кунда лойиҳа Қирғизистонда болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқи, Тожикистонда ўз жонига қасд қилувчилар сонининг ошиши, Қозоғистондаги сўз эркинлиги каби масалаларнинг ечим топиши учун мулоқот платформасини таъминлаб келмоқда. Лойиҳанинг бошқа бир йўналиши нодавлат ташкилоти вакиллари жамоатчилик билан мулоқот ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилишга ўргатиш, ҳамда журналистлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар ва маҳаллий қонунчилик доирасидаги тренингларни ташкил этишдир.

Бугун Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) ўз фаолиятини Европа, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Сурия, Филлиппин, Уганда, Шимолӣ Африка, Зимбабве, Кавказ, ҳамда Марказий Осиё давлатларида муваффақиятли равишда амалга ошириб келмоқда. Марказий Осиё минтақасида IWPR ўз фаолиятини 1999 йилда бошлаб, ушбу вақт оралиғида давлат ва нодавлат сектори, ҳамда медиа-тузилмалар билан конструктив ҳамкорлик ўрнатишга муваффақ бўлди. IWPR биринчилардан бўлиб маҳаллий журналистлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, уларга хориждаги ҳамкасблари билан алоқа ўрнатишга кўмак берди.

Вақти келиб бу кенг ҳамкорлик кўринишини олди. Ишга бўлган бундай ёндашув янги алоқаларни кенгайтириш, ғоялар, билим ва тажрибанинг доимий алмашинуви жараёнини таъминлаб берди. Натижада сўзлашув баръери ва дунёқарашларнинг турлича бўлишига қарамай, www.iwpr.net веб-саҳифасида ҳамкорликда ёзилган кўплаб мақолалар чоп этилди. Айнан шу иш туфайли IWPR инсон ҳуқуқлари, демократия ва бир қатор муаммоли мавзулар билан боғлиқ масалаларни ёритишга ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшишга муваффақ бўлди.

Бюллетеннинг ҳар бир сониде биз Сизни лойиҳанинг фаолияти билан таништириб, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилиши бўйича алоҳида ҳолатлар билан таништириб, минтақамиздаги давлатларда содир бўлаётган воқеаларни объектив ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.



ЛОЙИХА ЯНГИЛИКЛАРИ

03

05
“ЧЕГАРА БИЛМАС
МУХБИРЛАР” ТАШКИЛОТИ
ТОМОНИДАН ТУЗИЛГАН СЎЗ
ЭРКИНЛИГИ ИНДЕКСИ

06
ҚИРҒИЗИСТОНДАН
ДОЛЗАРЪ ИНТЕРВЬЮ

ҚОЗОҒИСТОН

06

**Қозоғистон мактабларидаги
ваҳшийликка қарши-кураш**

*Ҳуқуқ ҳимоячилари мактабларда бола-
ларга нисбатан бўлаётган муносабат-
ни яқиндан ўрганишга чақирмоқдалар.*

**Одам савдоси тўғрисидаги маълумот-
лар нотўғри талқин қилинган**

*Экспертларнинг айтишича, одам сав-
доси кўлами расмий маълумотларга
нисбатан анча кенгдир.*

ҚИРҒИЗИСТОН

12

**Оиладаги жинсий зўравонлик –
мутлақо ман қилинган мавзу**

*Оиладаги зўравонликка нисбатан
тоқатлилик ва ўз ҳуқуқи борасида
хабардорликнинг йўқлиги зўравонлик
қурбонлари бўлмиш аёлларни ҳимоя
қилиш ишларини қийинлаштиради.*

**Қийноқлар қўлланишига қарши
кескин чоралар кўрилишига умид**

*Экспертларнинг ҳисоблашича,
қийноқларга қарши курашувчи
орган ҳукуматдан мустақил бўлган
тақдирдагина, қийноқлар олдини олувчи
механизм самара бериши мумкин.*

ТОЖИКИСТОН

17

Тожикистонда эрта никоҳларга қарши-кураш

*Ҳуқуқ фаоллари қонунга киритилажак
ўзгартишлар Тожикистондаги эрта никоҳлар
бўйича мавжуд ҳолатни ўзгартира олмайди
дея ҳисоблайдилар.*

**Тожиқ аскарлари мина портлаши оқибатида
олган жароҳатлари учун товон пули олиш
ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилмоқдалар.**

*Мина портлаши оқибатида жисмоний
зарар кўрган собиқ ҳарбийлар ҳукумат улар
тақдирига бефарқ деган фикрдалар.*

ЎЗБЕКИСТОН

22

**ЎЗБЕКИСТОН: болаларни пахта
йиғимига жалб қилиш ҳолатининг
олдини олиш мумкинми?**

**Ўзбекистон ҳукумати ҳуқуқ фа-
олларига нисбатан чораларни
кескинлаштирмоқда**

*Ҳуқуқ фаоллари намоиш ўтказиш
учун ҳуқуқий меёрлар кидирмоқдалар.*

БИЗНИНГ ҲАМКОРЛАР

26

Давра суҳбати. «Қозоғистонда ёшлар ҳуқуқининг бузилиши».

2009 йилнинг 8 июль куни Алматида “Ёш профессионаллар жамияти” республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати давомида Қозоғистонда ёшлар ҳуқуқи бузилиши муаммоси муҳокама қилинди. Қозоғистондаги ёшлар ташкилоти, Алматидаги олий ўқув юртлари кўмитаси талабалари вакиллари, ёшлар сиёсати масалалари бўйича экспертлар ва журналистлар Олий таълим сифати бўйича хулоса қабул қилиш жараёнида иштирок этаётган “Ёш профессионаллар жамияти” нинге “Қозоғистон ёшлари салоҳиятини ошириш” лойиҳаси доирасида ўтказган ижтимоий тадқиқот натижалари билан танишдилар.

Давра суҳбати иштирокчилари ушбу тадқиқот натижалари ёшлар, хусусан талабалар Қозоғистон жамиятидаги умумий вазиятни акс эттиришларини таъкидладилар. Тадқиқот натижаларига кўра, Қозоғистондаги Олий ўқув юртларида мавжуд коррупция ва бошқа қатор муаммоларга қарамай, сўров иштирокчиларининг аксар қисми Қозоғистондаги ёшлар сиёсати-га танқидсиз ва ижобий муносабат билдириб, ўзлари таҳсил олаётган Олий ўқув юртлари маъмурияти ҳаракатларини қўллаб-қувватлайдилар.

Айни пайтда, сиёсатшунос Ерлан Имебргенов таълим олиш имконияти ва ёшлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш муаммолари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ экани, ҳамда уларни биргалиқда ҳал қилиш лозимлигини қайд этди. Сўров натижалари эса, Олий таълим сифатида муаммолар мавжудлиги, ҳамда ёшлар ва талабалар хулоса қабул қилиш институтининг тараққий топмаганини кўрсатди.

Давра суҳбатининг якуний қисмида эса, сўнги сайловлар пайтида талабаларга нисбатан босим ўтказиш ҳолатини акс эттирган видео сю-



жет намойиш қилинди. Сайлов пайтида талабалар ҳуқуқининг бузилиши ўткир муаммолардан бири бўлиб, давра суҳбатида бу мавзу иштирокчиларнинг кескин баҳс-мунозарасига сабаб бўлди. Давра суҳбати иштирокчилари, бу каби давра суҳбатлари ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алоқани яхшилаб, ёшларнинг ўзаро баҳс-мунозара юритишига туртки бўлиши, ҳамда ОАВ ларининг ёшлар ва талабалар муаммолари ва қизиқишларига эътибор қаратишига кўмак беришини тан олдилар.

“Ҳар вақт инсон ҳуқуқларининг бузулиши мактаб давридан бошланади. Агар бунга қарши ҳеч бир чора кўрилмаса, вазият кескинлашиб бораверади. Шу боис, бугун мана шу шундай тадбир ўтказиш мутлақо ўринли дея ҳисоблайман. Бу тадбирнинг долзарблиги эса, ёшлар ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ кўплаб ҳодисаларнинг содир бўлаётганидир. Шунинг учун, ўтказилган давра суҳбатини 100 фоизга фойдали дея баҳолайман. Ўйлайманки, кўп ота-оналар, балки уларнинг барчаси менинг фикримни қўллаб-қувватлайдилар”.

Давра суҳбати иштирокчиси.



ТРЕНИНГЛАР.

**Инсон ҳуқуқлари.
Халқаро меёрлар.
Миллий қонунчилик.**

IWPR Қозоғистон ва Қирғизистонда Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари Лойиҳаси доирасида, ҳудудий ОАВ лари ва ҳуқуқ ҳимоячилари ҳамжамияти ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга қаратилган қатор тренинглар ташкиллаштирди.

Тадбирлар Қирғизистон жанубидаги Жаллобод ва Бишкек, ҳамда Қозоғистоннинг Алмати шаҳарларида бўлиб ўтди.

Бишкекда бўлиб ўтган тренинг мавзуси нодавлат ташкилотларининг ролини кучайтириб, эътибор уларнинг давлат органлари билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари бўйича қирғиз қонунчилигини халқаро меёр талабларига жавоб беришига қаратилди.

Семинарда республиканинг барча бурчакларидан ташриф буюрган нодавлат ташкилотлари вакиллари, ҳамда Қирғизистон Республикаси жисмоний маданият ва спорт, ёшлар масалалари ва болаларни ҳимоя қилиш давлат агентлиги қошидаги болалар ҳуқуқини муҳофаза қилиш департаменти расмийлари иштирок этдилар. Тренер ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Бюросининг Қарағанда бўлими директори Юрий Гусаков эса, ушбу тренингда ҳукумат расмийларининг иштирок этиши ўта муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

Уруш ва тинчликни ёритиш институти IWPR учун мақолалар ёзаётган қозоғистонлик журналистлар эса, кейинги фаолиятларида ўта зарур ва асосий мақсади инсон ҳуқуқлари бўйича билимни оши-

ришга қаратилган Алматида бўлиб ўтган тренингда иштирок этдилар. Тренинг қатнашчилари инсон ҳуқуқлари предметининг тарихи ва инсон ҳуқуқлари бўйича асосий конвенциялар билан танишдилар. IWPR нинг бу каби тадбирларни ўтказишидан асосий мақсад эса, унда иштирок этаётган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари фаолиятларида қўллашлари мумкин бўлган материал, маълумот ва алоқаларни олиш имконини яратиб беришдир. Бундан ташқари, тадбир ўтказилишидан мақсад, ҳуқуқ ҳимоячиларининг жамоатчилик фойдаси учун муҳим фаолиятларининг бир қисми бўлган жамоат мониторинглари ўтказишда ма-лакаларини оширишдир.

IWPR Қозоғистон ва Қирғизистонда Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари Лойиҳаси доирасида, ҳудудий ОАВ лари ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга қаратилган қатор тренинглар ташкиллаштирди. Тадбирлар эса, Қирғизистон жанубидаги Жаллобод ва Бишкек, ҳамда Қозоғистоннинг Алмати шаҳарларида бўлиб ўтди.

“Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) томонидан Европа Комиссияси кўмагида амалга оширилаётган “Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқбонлик таълими” доирасида ўтказилган тренинг ўз фаолиятларини яқинда бошлаган журналистлар учун ҳам жуда фойдали. Сабаби, биз ҳар кунги кундалик ва касбий фаолиятимизда инсон ҳуқуқларининг бузулиши ҳолатига тўқнаш келамиз. Визуал материаллар ва тренингдаги интерактив ўйинлар эса, тренинг мавзуси нечоғлик долзарблилиги ҳақидаги тушунчани кучайтиришга кўмак беради”.

Тренинг иштирокчиси.

“Яшаётган давримиздан қатъий назар, инсон ҳуқуқлари мавзуси доимо долзарб бўлиб қолиши керак. Инсон ҳуқуқлари – бу жамият фойдаси, демак, журналист фойдаси ҳамдир. Тренинг интерактив шаклда бўлиб ўтди, бу эса материални яхши тушунишга кўмак берди”.

Тренинг иштирокчиси.

БОЛАЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШГА БЎЛГАН ИМКОНИЯТИ

“Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ОАВ лари орқали ҳуқуқбонлик таълими” лойиҳаси доирасида, “Болалар ҳуқуқ ҳимоячилари Лигаси” жамоат жамғармаси, Қирғизистон Республикаси жисмоний маданият ва спорт, ёшлар масалалари ва болаларни ҳимоя қилиш давлат агентлиги қошидаги болалар ҳуқуқини муҳофаза қилиш департаменти ва Қирғизистон Республикаси болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқи бўйича қонунчилигини амалга ошириш ва амал қилинишини ўрганиш вақтинчалик комиссияси ҳамкорлигида “Бола ҳуқуқини муҳофаза қилиш халқаро ва миллий меёрлар кўринишида мактаблардаги асл вазият” мавзусида 2009 йилнинг майидан то 2010 йилнинг январ ойига қадар қатор давра суҳбатлари ўтказилди.



Бу тадбирлар республиканинг барча вилоятларида ўтказилади. Ушбу давра суҳбатларининг асосий вазифаси болаларнинг таълим олишга бўлган имконияти билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, ҳамда ўрта таълим муассасаларида болалар ҳуқуқини муҳофаза қилишдир. Бугун бу жамиятда муҳокама қилинадиган энг долзарб муаммога айланди. Қирғизистон ҳар бир одамнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқини тан олувчи иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактларни ратификация қилган давлат бўлиб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда ҳукумат унга масъул бўлган органлар кўмагида бошланғич таълимни мажбурий ва бепул қилиш орқали ушбу ҳуқуқнинг амалга ошишини таъминлаши лозим.

Ўтказилган давра суҳбатлари давомида бепул ва мажбурий таълим олишга бўлган ҳақ-ҳуқуқларнинг бузилиши билан боғлиқ қуйидаги муаммолар кўриб чиқилди: мактаб формаси, кириш тестлари, таълим олиш учун ҳақ тўлаш, ўқиш давридаги “йиғди-йиғдилар”, мактаб рэкетти, ҳамда ўрта таълим муассасаларидаги жисмоний ва руҳий тазйиқ. Давра суҳбатлари якунида эса, болалар ҳуқуқи фойдаси учун уларнинг таълим олишга бўлган вазиятини ўзгартириш учун ташкилотчилар иштирокчилар билан биргаликда кейинчалик комиссия ҳисоботидан ўрин оладиган маслаҳатлар ишлаб чиқадилар. Баҳс-мунозара вақтида парламент аъзолари, давлат ва нодавлат ташкилоти вакиллари, ҳамда ўқувчиларнинг ўзлари ҳам иштирок этадилар.

“Чегара билмас мухбирлар” ташкилоти томонидан тузилган сўз эркинлиги индекси.

Марказий осий давлатлари

Тожикистон

2009		113 ▼
2008		106 ▲
2007		115 ▲

Қирғизистон

2009		125 ▼
2008		112 ▼
2007		110 ▲

Қозоғистон

2009		142 ▼
2008		125 =
2007		125 ▲

Ўзбекистон

2009		160 ▲
2008		162 ▼
2007		160 ▲

Туркменистон

2009		173 ▼
2008		171 ▼
2007		167 =



UNICEF ташкилоти келтирган маълумотларга кўра, Қиғизистонда 60 минг бола мактабда таҳсил олмайди. Айни пайтда, Қиғизистон қонунчилиги ва Конституциясига кўра, ҳар бир фуқаро ўрта таълим олиш ҳуқуқи эгадир. Қиғизистон Юқори Кенгашининг депутати Султаналиева Гульжамал Тилебаевна эса, бу ҳолат нима сабаб юз бераётгани ҳақидаги мавҳум тушунчаларга чек қўймоқ зарур дея ҳисоблайди. У масаланинг аниқ ечимларига ўтмоқ, яъни ким ва қандай қилиб болаларнинг келажаги учун муҳим бўлмиш таълим олишга бўлган ҳуқуқларини бузаётгани ва ҳозирги вазиятда уларга таълим олишга бўлган имкониятларни яратиб бериш йўллари ҳақида гапиради.

– 2009 йилнинг 25 июн куни парламент аъзолари томонидан болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқи ҳақидаги қонунчиликнинг амалда бажарилаётгани ҳолатини ўрганивчи вақтинчалик қўмита тузилганди. Бу ечимнинг қабул қилинишига қанда сабаблар туртки бўлди.

– Ота-оналар, жамоат бирлашмалари аъзолари ва ҳуқуқ-ҳимоячилари мактабларда “йиғди-йиғдилар” амалиёти мисли кўрилмаган даражада кўпайиб кетгани, ҳамда мактабга пул тўлолмайдиган ота-оналар фарзандларининг дарсларга қўйилмаётгани ҳақида бир неча бор оғзаки ва ёзма равишда мурожаат депутатларга қилгандилар. Бундан ташқари, мактаб маъмурияти болаларни ўқишга қабул қилишда сунъий тўсиқлар яратиб, баъзи ҳолларда эса, дарсларни яхши ўзлаштира олмаётгани сабаб, болаларни ўқишдан четлаштираётгани ҳақида маълумотлар ҳам келиб тушди. Биз бу каби ҳавотирли сигналларга беъэтибор бўла олмадик. Шу боис, 25 июн куни фаолияти болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқи ҳақидаги қонуннинг амалда бажарилаётгани ҳолатини ўрганишга қаратилган вақтинчалик қўмита тузилди.

– Бу вазиятни ўрганиш давомида қандай ҳолатлар аниқланди? Қўмита олиб борган ишнинг якуний натижалари ҳақида гапириб бера оласизми?

– Биз катта ҳажмдаги аудитор ишини олиб бордик, аммо депутат қўмитасининг олиб борган ишига ҳозирча яқун ясаганимизча йўқ. Ўйлашимча, яқин келажақда биз олиб борган ишимизнинг якуний натижасини эълон қиламиз. Мазкур аудит давомида, қўмита 2008-2009 йиллар оралиғида ўқувчилар сони ҳақида маълумот бериш илтимоси билан Қиғизистон Республикаси таълим ва илм-фан вазирлигига мурожаат қилди. Шунингдек, қўмита фарзанди мактаб ёшидаги ота-оналарнинг доимий пропискага эга бўлиши,

даги мактабларда шартли равишда аудит ўтказишни режалаштираяпмиз. Биз нафақат мактаб ўқитувчилари, балки болаларга руҳий босим ўтказилмаслиги учун ўқувчиларнинг ўзлари билан ҳам алоҳида суҳбатлашишни режалаяпмиз. Фурсатдан фойдаланиб, мен барча мактаб ўқитувчиларини очикчасига, ҳақиқатни гапиришга ундайман. Биз учун кўргазма дарсларни ўтказишнинг ҳолати йўқ, сабаби биз мактаблардаги вазиятни ижобий тарафга ўзгартириш учун, у ердаги асл вазиятдан хабардор бўлмоғимиз даркор.



ўқишга қабул қилинаётган пайтдаги мажбурий кириш тестлари, мактаб формаси каби бир қатор талабларнинг нечоғлик қонуний асосга эга эканлигини аниқлаштирди. Аммо сайловчилар ва депутатларни асосан мактаблардаги “йиғди-йиғдилар” нинг нечоғлик қонуний эканлиги ҳақидаги масала қизиқтиргани боис, қўмита мактабларнинг молиявий-хўжалик аҳолини ўрганишни ўзининг устивор масаласи деб белгилади.

Бундан ташқари, биз вилоятлардаги мактаблар вазиятини ўрганаёпмиз. IWPR/ЕҚ нинг инсон ҳуқуқлари лойиҳаси доирасидаги молиявий кўмаги ёрдамида биз республиканинг барча ҳудудларига ташриф буюраяпмиз. Афсуски, биз мамлакатдаги барча мактабаларга ташриф буюролмаёмиз, буни амалга ошириш учун жисмоний куч-қувват ҳам етмайди. Аммо Чуй, Талас ва Норин вилоятлари-

– Албатта, мактаблардаги турли “йиғди-йиғдилар” болаларнинг, биринчи навбатда кам таъминланган оила фарзандларининг таълим олишга бўлган имкониятини чеклайди. Болаларнинг таълим олишга бўлган имкониятини чеклайдиган яна қандай асосий тўсиқларни келтира оласиз?

– Асосий тўсиқлардан бири – бу албатта, миграция масаласидир. Мигрантлар фарзандларини ота-онасининг доимий пропискаси йўқлиги сабаб, мактабга қабул қилмайдилар. Айнан шу сабаб, ўқитувчилар ўқувчиларга керакли китобларни ҳам ажратмайдилар. Суҳбатимиз давомида ота-оналарнинг ижтимоий ва иқтисодий имкониятлари мавзусини кўтарган эканмиз, бунда болаларнинг мактаб формаси каби масалани ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Кўп ота-оналар фарзандларига

мактаб формасини сотиб олиб бериш имконига эга эмаслар. Мактаб маъмурияти томонидан тузилган яна бир сунъий тўсиқ, бу болани мактабга қабул қилишдаги кириш тестлари, ҳамда боланинг дарсни яхши ўзлаштира олмаётгани сабаб, уни ўқишдан четлаштириш масаласидир. Яна бир масала, бу кўп ота-оналарнинг ўз фарзандларини эътиборли мактабларга бериш истагидир. Негадир кўпчилик ота-оналар айнан эътиборли мактаб ва гимназияларда сифатли таълим берилади деб ўйлашади, аммо бу ҳар вақт ҳам тўғри фикр ҳисобланмайди. Бизга эътиборли мактабга кириш бадали минг АҚШ долларини ташкил қилиш ҳақида маълумот келиб тушди. Бу даҳшатли фактлардан биридир!

Бир пайтлар баъзи мактабларга гимназия мақомини олиш имконияти берилиб, уларга пуллик асосда гуманитар ва математика фанлари бўйича қўшимча дарс ўтиш ҳуқуқи берилди. Аммо ўша вақтда, кейинчалик бу қандай оқибатларга олиши келиши ҳақида ҳеч биримиз ўйланмаган эдик.

– Айтмоқчисизки, мақом ортидан қувган мактаб маъмуриятини таълим сифати эмас, балки улар ҳисобига келиб тушаётган пуллик бадал масаласи кўпроқ қизиқтира бошлаган?

– Ҳа, шундай. Бундай салбий кўринишнинг олди олинмоғи зарур. Биз бундай салбий жараён тўсатдан юзага келмаганини тушунамиз. Иқтисод пасайиши, таълим соҳасини молиялаштиришнинг кескин қисқаргани мактаб директорларини ота-оналар молиявий кўмагига мурожаат қилишга мажбур қилди. Мен совет даврида мактабларда “йиғди-йиғдилар” бўлмаган дея айтолмайман, аммо у пайтлар гап тийин ҳақида кетган. Ҳозир эса, мактаблардаги “йиғди-йиғдилар” оила бюджетига сезиларли таъсир ўтказмоқда. Аммо бу ҳолатнинг энг катта ҳавфи ўша “йиғди-йиғдилар” нинг назоратдан чиқиб кетганидир. Уларнинг назорат қилинмаётгани ва бунга қўл ураётганларнинг жазоланмаётгани, мактабдаги таълим олиш тизимини буткул ишдан чиқармоқда. Менинг айтганларим қанчалик ваҳший кўринмасин, аммо бу каби қонунбузарликка йўл қўяётган мактаб маъмурияти жазога тортилиши шарт. Бу ҳолат юзасидан жанжал келиб чиққан ҳолда, негадир вазирларни ишдан

бўшатишади. Аслида эса, вазир мактаб директорларини ишга тайинламайди, сабаби вазир ротация ўтказишга ҳақли эмас.

– Ким бунга ҳақли?

– Маҳаллий муниципалитет. Аммо маҳаллий муниципалитет мактаблардаги муаммоларни аниқлаш учун вақт ва хоҳиш топа олармикан? Муниципалитет таълим соҳасидаги муаммоларни ўрганаяптими? Айни пайтда, мактабларимиз аросатда қолиб кетган ва шундай ҳолатда кун кўриб келмоқда. Биз мактаб давлатнинг бир қисми ҳисобланиб, у эътиборга лойиқ эканлигини тушуниб етмоғимиз зарур.

– Расмий статистикага кўра бизнинг республикада 2,5 минг бола мактабга бормаслиги келтирилган, аммо ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, бу сон 61, 7 минг болани ташкил қилмоқда. Статистика маълумотларидаги бу каби катта фарққа нима сабаб деб ўйлайсиз?

– Бу ҳисоб-китоб ва назоратнинг ўта заифлигидан келиб чиққан. Масалан, мамлакатнинг чекка бир қисмидаги мактабда таҳсил олаётган бола кейинчалик ота-онаси билан пойтахтга кўчиб келади. Аммо пойтахтда бу болани ота-онасининг доимий пропискаси йўқлиги, кириш бадали тўланмагани сабаб, болани мактабга қабул қилишмайди. Балки шароит уни ота-онаси билан бирга ишлаб, уларга ёрдам беришга мажбур қилгандир. Шунга қарамай, бола ҳали ҳам ўз қишлоғидаги мактабда ўқияпти деган ҳисоб-китоб юритиб келинаверади. Агар Қирғизистон мустақилликка эришгач, мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми республиканинг бир қисмидан иккинчи бир қисмига кўчиб ўтгани ва бир ярим миллион фуқароларимиз хоригга кўчиб кетганини ҳисобга олсак, бу одадий ва кенг тарқалган мисол бўла олиши мумкин. Ички ва ташқи мигрантлар фарзандлари, бу болаларнинг алоҳида бир тоифасидир. Айнан улар вақтида таълим олмай қолишлари мумкин. Уларга алоҳида эътибор қаратиш керак.

– Бу вазиятни ўзгартириш учун, сизнингча қандй чоралар кўрмоқ керак?

– Биринчидан, муаммо мавжудлигини тан олиш керак. Президентимиз Қурманбек Бақиев муаммо мавжудлигини тан олганида мен жуда қувондим. Президент мак-

табларда “йиғди-йиғдилар”, мактаб рэкетни мавжудлигини таъкидлади. Демак, биз муаммо мавжудлигини рад этмай, аксинча унинг ечимларини излай бошлаймиз. Бунинг учун биз қонунбузарликка йўл қўйган мактаб директорларини ишдан бўшатиб, ўқитувчилар ойлигини оширишимиз керак. Бунинг учун балки таълим соҳасига ажратилаётган бюджет маблағи тизимини қайтадан кўриб чиқмоқ зарурдир. Билишимча, бизда мактабларга ажратилаётган бюджет маблағи бир ҳил. Аммо баъзи мактабларда “йиғди-йиғдилар” бўлса, иккинчисидан бу ҳолат кузатилмайди. Агар ота-оналар ўз фарзандларининг таълим олиши учун ҳақ тўлашни истасалар, балки эътиборли мактабларга тижорий мактаб мақомини бериб, уларда бюджет бўлимларини қолдириш зарурдир. Бундай мактаблар ҳисоб-китобига келиб тушаётган маблағни эса, қишлоқдаги мактабларни қўллаб-қувватлашга сарфлаш зарурдир?

– Айтмоқчисизки, айнан шу йўл орқали ўрта таълим муассасаларини молиялаштириш ишида шаффофликка эришиш мумкин бўлади?

– Ҳа, масалан шахсий мактабларда ота-оналар ўз пулларини айнан нима учун сарфлаётганлари, ўқувчилар эса, давлат ғазнасига солиқ тўлаётганларидан хабардорлар. Бундай мактабларда, давлат тасарруфидидаги мактабларга нисбатан молиявий шаффофлик билан боғлиқ муаммо йўқ.

Афсуски, биз совет давридаги мажбурий ва бепул ўрта таълим тизимини барбод қилдик. Бизда минбардан туриб Қирғизистон мустақиллигининг нечоғлик камчиликсиз экани ҳақида гапиришни ёқтиришади. Аммо мустақиллик йилларида таълим соҳаси учун қандай фойдали ишлар амалга оширилди? Мустақилликнинг биринчи йиллари туғилган бола ҳозир 17 ёшда, шу вақт оралиғида биз қандай шахсни тарбиялай олдик? Унга қандай кадрқийматларни сингдира олдик? Ҳозир бу авлод замонавий жамиятда яшай оладими, бунда давлатнинг роли қандай? Ҳозирча мен бу саволларга жавоб беролмайман. Бироқ бу ҳақда ўйланиб, уни таҳлил қилиб, хулоса чиқармоқ, ҳамда таълим соҳасини яхшилаш учун янги дастурларни ишлаб чиқиш керак. Бу Қирғизистон келажиги учун ўта муҳим.



ҚОЗОҒИСТОН МАКТАБЛАРИДАГИ ВАҲШИЙЛИККА ҚАРШИ-КУРАШ

Ҳуқуқ ҳимоячилари мактабларда болаларга нисбатан бўлаётган муносабатни яқиндан ўрганишга чақирмоқдалар.

Элмира Габидуллина, Алматы

Экспертларнинг айтишича, Қозоғистонда давлат тасарруфидаги мактабларда болаларга нисбатан ваҳший муносабат, хусусан ўқитувчилар ваҳшийлигидан ҳимоя қилиш учун ҳеч бир чора кўрилмаяпти. Яқинда ўтказилган сўровда иштирок этган ўн ўқувчининг биттаси ўқитувчилар таъқибига учраши ҳақида маълум қилди. Апрель ойида мамлакат жанубидаги Шимкент шаҳридаги мактабларнинг бирида таҳсил олаётган катта синфнинг икки ўқувчи қизи дори ичиб, ўз жонига қасд қилишга уринди. Шифокорлар уларни қутқаришга муваффақ бўлганларидан сўнг эса, ўқувчи қизлар ўз жонларига қасд қилишларига уларнинг ўқитувчилари сабаб бўлганини айтиб бердилар. Аниқланишича, бу нохуш ҳодиса ўқитувчининг ўқувчи ота-онаси билан мижозага борганидан сўнг бошланган.

“Ўқитувчим ҳаммининг олдида мени ва онамни ҳақорат қила бошлади,- дейди ўқувчиларнинг бири IWPR билан суҳбатда. – У доимо менга бақириб, ҳақорат қилар, сўкарди. Мени мактаб к о р и д о р и д а учратиб қолса, итариб ўтиб кетарди. Бундай ҳолат ҳар куни такрорланарди”.

“Ўқитувчилар мени мазақ қилишарди, синфда ҳаммининг ёнида камситишар, етимча,

сенга ҳеч ким ёрдам бермайди, дейишарди. Мен бундай камситишлар остида яшашдан тўйганим, бунга чидай олмаганим сабаб, ўз жонимга қасд қилмоқчи бўлдим”, – дейди иккинчи ўқувчи қиз.

Айбланаётган ўқитувчилар эса, бу каби айбловлар ўқувчиларнинг уйдирмаси эканини даъво қилишмоқда. Ўтган йил сўнгида фаолияти аёллар ва болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган Қозоғистон инқироз марказлари Иттифоқи – юридик шахслар бирлашмаси ўтказган тадқиқотга кўра, сўроқ қилинган ўқувчиларнинг 12 фоизи мактабда жисмоний таъзияга учрашини тасдиқлаган. Ўқувчиларнинг таъзияга учраш ҳолатларининг 9 фоизи эса, доимий характерга эгадир.

Қозоғистон болалар жамғармаси ўтказган тадқиқот натижаси, болалар ҳуқуқининг бузилиши бўйича 65 фоиз ҳолат ўрта ва олий таълим муассасаларида юз беришини кўрсатди. Бу асосан жисмоний таъзия, шахсни ҳақоратлаш ва мактабдаги “ийғди-ийғдилар”дир. Бир тарафдан ўқувчиларга нисбатан босим улар синфдошлари ва катта синф



ўқувчилари томонидан юз берса, иккинчидан босим ўтказиш ўқитувчилар томонидан амалга оширилиши аниқланди. Педагогларнинг айтишича, сўнги пайтларда ўқитувчиларнинг ўқувчига нисбатан босим ўтказиши ҳолатлари ошиб бормоқда.

Мактаб жамоат ташкилотлари Ассоциациясининг президенти Нина Косова, 3 – синф ўқувчисининг мактабга бормай қўйгани ҳолати бўйича бир мисол келтиради. “Анча вақт ўтгач бола синф раҳбари болаларни уриши ва у бу ҳақда гапиришдан қўрқгани ҳақида айтиб берди”, – дейди Косова.

“Ақсар қозоғистонликлар учун болаларнинг ўқитувчилар томонидан таъзияга учраши бугунги кунда одатий ҳолат бўлиб қолмоқда,- дейди ўз исмини ошкор қилишни истамаган, Алматыдаги шахсий мактабларнинг бирига раҳбарлик қилаётган педагог. – Сўнги йилларда давлат тасарруфидаги мактабларининг сони кескин камайгани сабаб, ўқувчиларга таъзия ўтказиш ҳолатлари кўпайди”.

Унга кўра, давлат секторидан тўланадиган маошининг камлиги ва бугунда ўқитувчи касбининг аҳамияти ва мавқеи пасайиб кетгани сабаб, жамият бу ҳолатга бефарқ бўлиб қолмоқда.



Кўп ҳолларда давлат тасарруфидаги мактабларга кез келган одам ишга қабул қилинаверади, дея ҳисоблайди Қосова. Шунингдек у, болага қизиқарсиз бўлган нарсани қизиқарли қилиб тушунтириб бериш, ҳамда уни бажаришга ўргатишдан кўра, болага жисмоний куч кўрсатиш осонроқ бўлиб қолганини қўшимча қилади”.

Қозоғистон 1994 йили болалар ҳуқуқи ҳақидаги Конвенцияни ратификация қилди. Шундан сўнг, давлат болаларни ота-она, қонуний ҳомий ёки вояга етмаган боланинг тарбияси учун жавобгар бўлган ҳар қандай киши томонидан ўтказилаётган дискриминация, жисмоний ва руҳий босим, меҳр йўқлиги ва кўпол муносабатдан ҳимоя қилишни ўз иммасига олди. Маҳаллий қонунда бу меёрлар мавжуд, аммо экспертлар, уларнинг аниқ қилиб белгилаб берилмаганига эътибор қаратишмоқда. Қозоғистон инқироз марказлари Иттифоқининг раисаси Зулфия Байсақова, болалар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қонунда, болаларга нисбатан ваҳший муносабат каби терминнинг йўқлиги ҳақида гапирди.

Қозоғистон болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш нодавлат ташкилотлари ишчи гуруҳининг координатори Роза Ақилбекова, ўқувчи жисмоний ёки руҳий босим ўтказаетган педагогнинг ҳаракатларини қандай қилиб тартибга солиш ноаниқ бўлиб қолаётганига эътибор қаратади. Қарағанда вилояти болаларни муҳофаза қилиш Департаментининг бош мутахассиси Наталья Королева эса, Қозоғистон қонунчилигида “талабга жавоб бермайдиган тарбия” каби тушунчанинг йўқлигини таъқидлайди. Айни пайтда, ҳукумат болалар ҳуқуқини, хусусан, болаларни кўнгилсиз тажрибадан муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича чоралар кўрди. 2007 йили бошланиб, то 2011 йилга қадар давом этадиган ва болалар ҳаётини яхшилашга қаратилган махсус дастур доирасида, мактабларда ижтимоий ва руҳий-тарбиявий тартибни сақлаш мақсадида, ўрта таълим муассасаларига етти минга яқин руҳшунос, бир ярим минг полиция инспектори ва тар-

бия ишлари бўйича директор ўринбосарлари жалб қилинди.

Мактабларга таълим соҳасига алоқаси бўлмаган ва инспектор вазифасини ўташ учун Ички ишлар вазирлиги полициячилари жалб қилинди. Уларнинг асосий вазифаси – мактаблардаги ҳавфсизликни таъминлаш, уларни қонунбузарликдан озод бўлган муассасага айлантиришдир. Алматы шаҳри ички ишлар департаментининг оммавий тартибни сақлаш бошқармаси вояга етмаганлар бўлими бош инспектори Майя Беласарованинг айтишича,



бу дастурни амалга ошириш учун инспекторлар сони етарсиздир.

«Инспекторлар сони камлиги туфайли, улар имконияти чеклангандир. Улар бир вақтнинг ўзида бир нечта мактабни назорат қилишга мажбурлар», – дейди у. Инспектор Айман Бекхожинага кўра, ота-оналар инспекторлар билан уларни безовта қилаётган мавзуда суҳбатлашишдан кўрқадилар. Бунга эса, жамиятда мавжуд ҳуқуқ-тартибот органлари ҳодимларидан кўрқиш керак деган умумий ҳолат сабабдир.

Унинг айтганларини Беласарова ҳам маъқуллайди. «Ота-оналар ҳуқуқ-тартибот органларига жуда зарур ҳоллардагина мурожаат қилишади», – дейди у.

Баъзи ота-оналар эса, инспектор ва руҳшуносларнинг

ўртага аралашуви муаммо ечимига таъсир ўтказмаётганидан арз қилишмоқда. Алматы шаҳридаги мактабларнинг бирида таҳсил олаётган 10 яшар ўқувчининг онаси Юлия эса, ўғлига босим ўтказган ўқитувчидан арз қилиб, мактаб маъмуриятига қилган шикоятдан норози эканини айтади. Мактаб раҳбарияти ўша ўқитувчининг тажрибаси катта экани ва у билан бу борада тушунтириш ишларини олиб боришини айтди. Аммо бу чоранинг ўзи етарсиздир. “Мен болаларга кўл кўтарган ўқитувчининг умуман таълим соҳасидан, ҳеч бўлмаганда бошланғич синф ўқувчиларига дарс беришдан четлатишларини истайман”, – дейди у.

Юлиянинг айтишича, бошқа ота-оналар мактаб маъмурияти билан зиддиятга бормаслик мақсадида, бу муаммога эътибор қаратмаслик ё фарзандларини бошқа мактабга ўтказишни афзал кўрмоқдалар. Роза Ақилбекованинг ҳисоблашича, бу каби ҳолат мактаб раҳбариятининг муаммога бўлган оддий муносабатидир. «Қонунчиликдаги ноаниқликлар туфайли болаларга босим ўтказаетган ўқитувчилар жазоланмай, вилоят, туман таълим бошқармалари мактаб раҳбариятини давлат номидан ҳимоя қилиб келмоқда», – дейди у.

Бу йил Қозоғистон мактабларидаги қонунбузарликни аниқлаш мақсадида янги тизим жорий қилинди. Унга кўра, мактаб ўқувчилари ўқитувчилар, бошқа ўқувчилар ва оила аъзолари томонидан босимга учраган пайтлари, мактабда ўрнатилган махсус конфиденциал қутига шахсий мурожаатларини тушириш имконига эга бўлдилар.



ОДАМ САВДОСИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР НОТЎҒРИ ТАЛҚИН ҚИЛИНГАН

Экспертларнинг айтишича, одам савдоси кўлами расмий маълумотларга нисбатан анча кенгдир.

Данияр Бахтагалиев, Алматы

Қозоғ-
истон
Ички ишлар
вазирлиги ўтган
йили мамлакатда
одам савдоси бўйича 20
та ҳолат юз бергани ҳақида
маълум қилган бўлсада, экс-
пертлар бу сон кескин равишда
камайтирилганини айтмоқдалар.
Аммо ҳозирча аниқ маълумот
олишнинг имкони йўқ. Бироқ
маҳаллий нодавлат ташкилотла-
рининг маълум қилишича, ўтган
йили Ўзбекистон, Қирғизистон
ва бошқа давлатлардан келган
фуқароларнинг камида 10 таси
меҳнат ва жинсий эксплуатаци-
ясига дучор қилинганлар. Бу
кўрсаткич мамлакатга олиб ки-
рилган ва олиб кетилган одам-
лар ҳақида маълумотни акс эт-
тирмайди.

“Одам савдоси” термини одам-
ларни ишлашга мажбурлаш
мақсадида, уларни бир мамла-
катдан иккинчи бир мамлакатга
яширин олиб ўтилганда ёки мам-
лакат ичида жойини мажбурий
алмаштиригандагина ишлатилади.
Кўп ҳолларда бу улар утрар жой-
ларини алмаштиришда сарфлан-
ган сарф-ҳаражатни қоплаш учун

амал-
га оши-
рилади.
Кўпинча одам-
ни ишлашга мажбур-
лаш учун уни тутқунлик
ёки қулликда сақлаб туриша-
ди. Шундай қилиб, одам савдоси
бу шунчаки одам ёки мигрант кон-
трабандаси эмас. Сабаби сўнгги
икки ҳолатда одамларнинг жой
алмаштириши ноқонуний йўллар
орқали амалга оширилади, аммо
у тутқунлик ёки қулликда сақлаб
турилмайди.

Қозоғистон инқироз марказ-
лари Иттифоқи раисаси Зул-
фия Байсақова, одам савдо-
си бўйича расмий маълумот-
ларнинг ҳаққонийлигига нисба-
тан шубҳа билдиради. «ИИВ кел-
тирган маълумотлардаги сонлар
жуда ҳам кам. 16 миллион одам
истиқомат қилаётган давлатда,
одам савдоси бўйича атиги 20 та
ҳолат юз бергани нотўғри, - дей-
ди у. – Катта фойда келтириши
айтиладиган наркотик савдоси
ва радикал ташкилотларни мо-
лиялаштиришдан сўнг дунёда
учинчи ўринда турадиган одам
савдоси муаммоси жуда кенг
кўламда тарқалган, шу боис ИИВ

бу
ра-
қам-
ларни ўзра-
тириб берган”.

АҚШ давлат департа-
ментининг 2009 йили одам
савдоси бўйича очиқлаган ҳи-
сobotида, ўтган йили Қозоғис-
тонда одам савдоси бўйича 50
та ҳолат юз бергани, аммо улар
қозоқ ҳукумати томонидан қайд
этилмагани келтирилган.

Қозоғистон Ички ишлар ва-
зирлигининг жиноий полиция
Қўмитаси раиси ўринбосари Бе-
кет Аймағамбетовнинг IWPR га
айтишича, жорий йилнинг январ-
ридан то март ойигача 13 та ана
шундай ҳолат қайд этилган. Улар-
нинг еттитаси одам савдоси би-
лан боғлиқ, яъни тўрттасида бу
ишга вояга етмаганлар, иккитаси-
да эса, аёлларнинг фоҳишаликка
жалб қилингани қайд этилган-
ни. Яна иккита ҳолатда одам-
ларни эксплуатацияга жалб
қилиш мақсадида қўшни дав-
лат фуқаролари ўғирланган.
АҚШ давлат департаментининг
ҳисobotида келтирилишича,
Қозоғистонда одам савдоси бир
неча кўринишда акс этган.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистонликлар Қозоғистон ҳудуди орқали Россия ва Бирлашган Араб Амирликларида жинсий эксплуатация ёки қурилиш ва қишлоқ хўжалиги объекларида мажбурий ишлатилиш мақсадида олиб ўтиладилар. Аксар Ўзбекистонликлар эса, Қозоғистонга ўз хоҳишларига кўра фоҳишалик билан шуғулланиш, тамаки ва пахта плантацияларида, ҳамда гўшт-сут ишлаб чиқариш саноатида мустақил равишда ишлаш учун келадилар. Бундан ташқари, одам савдоси ҳолатлари Қозоғистоннинг ўзида ҳам мавжуддир.

Қозоғистонлик аёллар Хитой ва Туркияга фоҳишалик учун юборилдилар. Қозоғистон жануб-



да Марказий Осиё давлатлари, шимолда эса Россия билан чегарадош бўлгани учун, жўғрофий жиҳатдан одам савдоси маршрути учун қулай мамлакат бўлиб ҳисобланади.

Қозоғистон одам савдоси, хусусан одам савдосида, аёллар ва болалар иштирокининг олдини олиш ва буни жазолашга қаратилган, ҳамда БМТ нинг трансмиллий уюшган жиноятга қарши Конвенциясини тўлдирувчи Протоколни ратификация қилмоғи зарур. Аммо Қозоғистон миллий қонунчилигига кўра, одам савдоси мамлакат Жиноий кодексининг бир қанча моддалари бўйича ман қилинган. 2006 йили Қозоғистонда одам савдосига алоқадорликда айбланган кишилар 15 йилга озодликдан маҳрум қилиниши маълум қилинганди.

АҚШ давлат департаментининг маълумотларига кўра, 2008 йили

олиб борилган 44 та жиноий текширув, 30 та даъво аризаси билан яқун топди. Бу эса, 2007 йилдаги кўрсаткичга нисбатан икки баробар кўпдир. Ўшанда 24 киши айбдор дея тан олинганди. Миграция бўйича халқаро ташкилотга кўра, одам савдоси қурбони бўлган кишиларнинг 70 фоизи, айнан Қозоғистон ҳудуди орқали бошқа давлатларга олиб ўтилади. Қолган қисми эса, охир-оқибат Қозоғистоннинг ўзида қолиб кетади.



Қозоғистон орқали бошқа давлатга олиб ўтиладиган 9 та одам савдоси қурбонининг ҳар 8 таси аёллар ва вояга етмаганлардир. АҚШ давлат департаментининг ҳисоботида келтирилишича, қозоқ ҳукумати одам савдоси олдини олиш халқаро меёрларига тўла жавоб бермаса-да, уларнинг амалда бажарилиши учун қўлдан келганича ҳаракат қилмоқда. Бунда қозоқ ҳукумати жиноий текширув, одам савдосига алоқадор кишиларни суд орқали жавобгарликка тортиш, ҳамда жамоатчиликни мазкур муаммодан ҳабардор қилиш дастурларини яшириш каби ишларни амалга оширмоқда.

Байсақованинг ҳисоблашича, ҳукумат одам савдоси бўйича кучли назорат ўрнатмоғи лозимдир. «50 та энг рақобатбардош давлат рўйхати ва Бутунжаҳон савдо ташкилотидан жой олишни режалашган Қозоғистон учун, одам савдоси - энг катта муаммо», - дейди у. Қозоғистон Ички ишлар вазирлигининг таъкидлашича, одам савдосига қарши-курашишга қаратилган миллий режа ва адлия вазирлиги қошида координация Кенгаши каби механизмлар мавжуддир.

Қозоқ полицияси, ҳамда Остона ва Алмати шаҳарларида жойлашган масъул департаментлар томонидан одам савдоси қурбонлари мурожаат қилишлари учун тезкор бўлимлар ташкил қилинган. Байсақова, полиция ва бошқа масъул агентликлар керакли миқёсда келишилган ҳаракатларни амалга оширмаётганлари ҳақида айтади. Унга кўра, бу органлар ҳодимлари керакли тайёргарликка эга эмаслар. «Ҳукуматнинг одам савдосига қарши барча ҳаракатлари номиналдир», - дея ҳисоблайди Байсақова. Бундан ташқари, унга кўра, мазкур муаммо бўйича Қозоғистон органлари бошқа давлатдаги ҳамкасблари билан етарлича алоқа ўрнатишга муваффақ бўлмаганлар. «Мен хориждаги полициячиларимиз ҳаракати ҳақида гапираяпман. Хорижда уларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлишади», - дейди у.

Қозоғистон Халқаро инсон ҳуқуқлари бюросининг ходими Андрей Гришин эса, мамлакатда одам савдоси муаммосини ечишга қаратилган мажмуавий муносабатнинг йўқлиги ҳақидаги фирқаларга қўшилишини айтади. Гришин, одам савдоси масаласи бўйича сезиларли муваффақиятлар, аёлларни хориж давлатларига олиб чиқиб кетишнинг олдини олиш ишларида кузатилганини айтади. «Бу масала билан халқаро ташкилотлар қизиқа бошладилар, шу боис, Қозоғистон бунинг олдиниши олишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишга мажбур бўлди», - дейди Гришин.



ОИЛАДАГИ ЖИНСИЙ ЗҶУРАВОНЛИК – МУТЛАҚО МАН ҚИЛИНГАН МАВЗУ

Оиладаги зўравонликка нисбатан тоқатлилиқ ва ўз ҳуқуқи борасида хабардорликнинг йўқлиги зўравонлик қурбонлари бўлмиш аёлларни ҳимоя қилиш ишларини қийинлаштиради.

Евгения Ким, Бишкек



Ай-
да й
16 ёшда
бўлган кез-
лари, уни ўгай

отаси зўрлагани ҳақида га-
пиради. Ўша пайтда, у бу ноҳуш
ҳодиса ҳақида ҳеч кимга айтма-
маган. Ўгай отасининг қўрқитиши
ва дўқ-пўписасидан сўнг, у
зўрлангани ҳақида ҳаттоки онаси-
га ҳам айтмаган. Йиллар ўтиб, Ай-
дай турмушга чиқади. Аммо ўгай
ота бу никоқга қарши бўлгани са-
баб, қирғиз жамиятида жуда уятли
ҳисобланмиш, қизнинг никоқдан
аввал қизлигини йўқотгани ва
фоҳишалиқ билан шуғуллангани
ҳақида миш-мишлар тарқатади.
Айдай турмуш ўртоғига бўлган
воқеани айтиб берганида, эри уни
тушунишга ҳаракат қилади, аммо
оиласининг босими ва айбловла-
ри остида Айдай билан ажрашиб
кетади.

Бундан ташқари, Айдаининг она-
си қизи оила шаънига доғ тушир-
гани учун ундан воз кечади. Ҳозир
24 ёшни қаршилаган Айдай, унинг
айбисиз содир бўлган воқеа са-
баб, қанча азоб чеккани ҳақида га-

пи-
ради.

«Қирғизистондаги

қонунлар ўзгартирилишини
истардим. Аммо бунга қандай
қилиб амалга ошириш мумкинли-
гини билмайман, - дейди у IWPR
га. – Бир неча йил аввал мен би-
лан содир бўлган ўша ноҳуш
ҳодиса, ҳамон ҳаётимни барбод
қилиб келмоқда».

Ҳуқуқ-тартибот органлари оила-
даги жинсий зўравонликка қарши
жиной иш очмайдилар, аксинча
бу ҳолатда авваломбор аёл киши
айбдор дея тан олинади. Эксперт-
лар, Айдаининг Қирғизистонда
оилавий зўравонликка қарши ке-
скин қонун қабул қилиниши ке-
рак деган фикрига қўшиладилар.
Шунингдек, улар жамиятни бу му-
аммодан хабардор қилиб, жин-
сий зўравонлик қурбонларини
ҳимоя қилиниши учун, муаммо-
га бошқача ёндашув зарурлигини
айтадилар.

Оиладаги зўравонлик ҳақида
аниқ маълумотлар олиш жуда
қийин. Аммо унинг қурбонлари

бўл-
миш
аёл-
ларнинг
инқироз
марказлари-
га қилаётган му-
рожаатлари орқали,

бу муаммо ҳақида оз бўлсада
маълумот олиш имконияти мав-
жуд. Қирғизистон инқироз мар-
казлари Ассоциациясининг маъ-
лумотларига кўра, бундай мар-
казларига 7300 та аёл му-
рожаат қилган. 10 та ана шундай
ҳолатнинг саккизтаси оиладаги
зўравонлик ҳолатини акс эттира-
ди. “Сезим” инқироз маркази ва-
килининг айтишича, марказга му-
рожаат қилган аёлларнинг 23 фо-
изи зўравонлик қурбонларидир.

Ички ишлар вазирлиги вакили,
қайд қилинган оиладаги зўра-
вонлик ҳолатлари ошиб бораётган-
нини таъкидлади. Шу билан бир-
га, у статистика бу ҳолатларнинг
тўла кўринишини акс эттира ол-
маётганини ҳам қўшимча қилди.
“Зўравонлик ҳолатларининг
асосий қисми кўпчиликка ноа-
ён бўлиб қолмоқда”. Ички иш-
лар вазирлигининг ҳодими, ои-
ладаги зўравонликнинг ошиши-
га мамлакатдаги ишсизлик ва
қашшоқликнинг кўпайиши сабаб

бўлаётганини айтади. Унга кўра, айнан ишсизлик ва қашшоқлик эркакларнинг спиртли ичимликларга ружу қўйишига олиб келмоқда. Оиладаги зўравонликнинг аксар қурбонлари эса, зўравонликдан сўнг ҳуқуқий қонун олишлари мумкинлигидан ҳам хабарсиздирлар. Аммо бу ҳақда ошкор гапириш хоҳишида бўлганлар эса, милиция ҳодимлари улар муаммосини тушунмасликларидан ҳавотир-адирлар. Бундан ташқари, улар ўз оилаларида таъқибга учрашдан ҳавфсираб, обрўларини сақлаб қолишни эп кўрмоқдалар.

Ўз исмини айтишни истаган, ёш шифокор Тимур, кўп аёллар бу ҳақда сукут сақлаб, азоб чекишни иташларини тушунишни айтади. «Зўравонликка қўл урган одам жиноий жавобгарликка тортилиши аниқ. Аёллар эса, бу барчага ошкор бўлиб кетишидан ҳавфсираб, жим юришни афзал кўрадилар, – дейди у.– Афсуски, бизда зўравонлик юз берган бўлса, бунга авваломбор аёлнинг ўзи айбдор деган тушунча мавжуд».

“Сезим” маркази психотерапевти Наталья Павлованинг келтиришича, оиладаги зўравонликка муносабат, жамиятдаги вазият билан узвий боғлиқдир. Унга кўра, жамиятда секс-ман қилинган мавзу ҳисобланади, ҳамда кўпчилик уни уят тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ дея ўйлайди. «Бу ердаги оилаларда секс – ман қилинган мавзу ҳисобланади. Шу сабаб, аёллар бу ҳақда ҳаттоки қариндошларига ҳам гапирмасликни эп кўрадилар, – дейди у. Жинсий ва бошқа турдаги жисмоний зўравонлик Қирғизистон қонунчилиги бўйича жиноий жавобгарликка тортилади. Аммо аксар ҳолларда, зўравонлик қурбонлари бўлмиш аёллар, ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилмайдилар.

Павлованинг сўзларига кўра, қишлоқдаги аёллар зўравонлик қур-

бонлари учун қонуний ҳимоя мавжудлигидан хабарсиздирлар. «Улар қонунга кўра, зўравон жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида билмайдилар», – дейди у. 17 яшар Мэ-эримни ундан уч ёш катта ва маст ҳолда бўлган холаваччаси зўрлаган. Ўша пайтда, у отонаси ва милиция бунга қарши ҳеч бир иш қилолмаслигини ўйлаб, бу ҳақда ҳеч кимга айтмаган. «Ҳуқуқ-тартибот органлари оиладаги зўравонлик, ҳусусан аёлларни зўрлаш каби ҳолатларни жиноят дея ҳисобламайдилар», – дейди Павлова.

Аммо зўравонлик қурбонлари ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишга аҳд қилсалар-да, сўнг ўз аризаларини қайтиб олиш-

зўравонлик қурбонини айб ҳисидан ҳолос бўлишига кўмак бериш керак. У оз бўлса-да ўзига келгунича, қайсидир бир муддат уни зўравондан узоқроқда сақлаш керак” – дейди Павлова. Джуманалиеванинг фикрича, бунга қарши жиноий иш очиб, керакли далилларни келтириш ҳам ўта мушкул бўлиши мумкин.

«Баъзан жиноят содир бўлганини исботлаш жуда қийин ёки умуман амалга ошириб бўлмас ишдир. – Айниқса, агар бу анча аввал содир бўлган жинсий зўравонлик ёки руҳий босим бўлган бўлса. Бундай аризаларнинг 99 фоизи қабул қилинмайди», – дейди у. Оилавий зўравонлик қурбонлари номидан суд маҳкамасида иштирок этадиган руҳшунос Виктория



лари ҳам мумкин. Бишкекдаги аёлларни қўлаб-қувватлаш Марказининг юристи Айжан Джуманалиеванинг тушунтиришича, ариза келиб тушгандан бир неча кун ўтибгина, ҳуқуқ-тартибот органлари уни кўриб чиқишга киришадилар. Зўравонлик қурбонлари эса, борар жойлари бўлмаса, уйлари-га қайтиб, зўравон билан юзма-юз кўришишларига тўғри келади. Айнан ана шу ҳолат, зўравонлик қурбонини, баъзи ҳолларда ҳаттоки жисмоний куч таъсирида ўз аризасини қайтиб олишга мажбур қилади. «Айни босқичда

Тяннинг айтишича, кўп ҳолларда зўравонлик қурбонларига суд раиси босим ўтказиб, оиладаги зўравонлик жиноий жавобгарлик ҳисобланмаслигини уқтиради. Кўп ҳолларда, судьялар қурбонларни ўз фарзандлари ҳақида ўйлаб, аризаларини қайтиб олишга даъват қиладилар. «Судья ҳукм чиқаришни узоққа чўзиб, охири томонлар ярашиши мумкинлиги ҳақида гапиради», – дейди Тян.

Ўзини Елена дея таништирган аёл, бир неча бор эридан шико-

ят қилиб милицияга ариза ёзганини айтади. Унга кўра, ҳар сафар у аризасини қайтиболиб, эри ёнига қайтишга мажбур бўлган. Турмушининг бошидан эри томонидан зўрланиб келган аёл бундай дейди: «Мен уни қамашларини хоҳлайман. Аммо у ишлаб, оилани боқади, ўзим ишсизман».



Шунга қарамай, ҳозир Елена бу мушкул вазиятдан чиқиш йўллари ҳақида ўйламоқда. У инқироз марказида вақтинчалик қолиш қарорига келди. Аёл бу марказда ошпаз, тикувчи ва сартарош каби хунарларга ўргатишлари ҳақида эшитган. «Мен ҳам шу ерда касбга ўрганиб,

эримдан ҳалос бўлмоқчиман. Шундагина мен ундан буткул қутилишим мумкин бўлади», – дейди Елена. Аёллар инқироз марказларининг ўнтаси Бишкекда жойлашган бўлиб, мамлакатнинг ҳар бир шаҳрида улар ваколлатхоналари фаолият юритиб келмоқда. Бу марказлар ҳозирда аёлларга юридик ёрдам кўрсатиб, уларга бошпана бериш имконига эгадирлар.

Мээрим мурожаат қилишга одам тополмай, инқироз марказига мурожаат қилганлардан бири. «Мен зўравонлик қурбонлари бўлган аёллар мана шундай инқироз марказлари мавжудлиги ҳақида кўпроқ хабардор бўлишларини истайман. Менинг омадим чопди, дугонам менга бу марказ ҳақида айтиб берди. Аммо кўп аёллар бундай марказлар мавжудлигидан хабарсиздирлар», – дейди у.

«Шанс» инқироз марказининг раҳбари Александра Елиференконинг айтишича, бу ташкилотлар

муаммо билан мустақил равишда кураша олмайдилар. Шу боис, унга кўра, нодавлат ташкилотлари ва ҳуқуқ-тартибот органлари биргаликда аҳолининг муаммодан хабардорлигини ошириб, жамиятда оилавий зўравонликка тоқатлилиқни йўқотишлари йўқотишлари қилиниб, улар

лозим. «Қонун ҳуқуқлари ошкор

барчага тушунарли бўлмоғи даркор. Энг асосийси эса, жамият уни қабул қилиши керак», – дейди у. Шунингдек, Павлова, зўравонликка чек қўйиш йўлида, кўпроқ эркаклар билан тушунтириш ишларини олиб бориш керак деган фикрни ҳам илгари суради. «Шу пайтгача, барча ёрдам зўравонлик қурбонларига қаратилган эди. Аммо жорий йилдан бошлаб баъзи нодавлат ташкилотлари зўравонликка қўл урган эркаклар билан ишлаш дастурини йўлга қўйдилар, – дейди у. – Оиланда зўравонликнинг олдини олишга қаратилган дастур мавжуд.

Дастурда зўравон ўз ҳатти-ҳаракатини таҳлил қилиб, тренер билан биргаликда зўравонлик олдини олишга қаратилган муқобил ҳатти-ҳаракатларни ўйлаб чиқарилади». Шунингдек у, баъзи давлатларда зўравонни махсус дастурларда қатнашишга мажбурлаш ҳам кўзда тутилганини қўшимча қилади.

Тянининг таъкидлашича, оилавий зўравонлик доимий руҳий муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. «Қизлар зўравонни кечириб, сўнг бутун умр жим юрсалар-да, бунинг оқибатида олинган руҳий шикаст бир умрга сақланиб қолиши мумкин, – дейди руҳшунос. – Бу жуда кучли стресс, уни қанчалик унитишга ҳаракат қилсанг, у келажак ҳаётида шунчалик кескинлашаверади». Ҳозир Айдай, бундан саккиз йил аввал керакли чора кўролмаганидан афсусланади. «Ўша пайти барчасини айтиб беришга куч тополмаганимдан афсусланаман. Ҳозир эса, бўлиб ўтган воқеани исботлай олмайман», – дейди у.



Қийноқлар қўлланишига қарши кескин чоралар кўрилишига умид

Қирғизистонлик ҳуқуқ ҳимоячилари амалда тадбиқ этиладиган механизмлар, ҳибсда сақланаётганларга нисбатан қийноқлар қўлланилишининг олдини олишига кўмак беришига умид билдирмоқдалар. Ҳозирда мамлакатдаги қамоқ ва вақтинчалик сақлаш изоляторларида ҳибсда сақланаётганларга нисбатан жисмоний ва руҳий тазйиқ ўтказиш терговнинг бошланғич қисмида кенг тарқалган ҳолат ҳисобланиб, бунда ҳуқуқ-тартибот органлари ҳодимлари кишига босим ўтказиш орқали, айбни тан олдириб, тезроқ жиноий ишни ёпишга ҳаракат қилмоқдалар.

Сўнги уч йил давомида Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистондаги нодавлат ташкилотларини бирлаштирувчи қийноқларга қарши Коалиция, тасдиқланмаган маълумотга кўра, қийноқлар қўлланилгани бўйича 83 ҳолат аниқланганини қайд этди. Бир йил давомида қайд этилган ва 2008 йилнинг апрел ойида яқун топган 59 та ана шундай ҳолатнинг 53 таси вақтинчалик сақлаш изоляторларида содир бўлган. Омбудсмен Институтининг қийноқларга қарши бўлими раҳбари Икрам Мамешов, бу рақамлар камайтирилган дея ҳисоблайди. «Аниқланмаган ҳолатлар ундан кўра кўпроқ», – дейди у, ҳамда бу муаммо ички ишлар вилоят бўйича бўлимларида кўпроқ содир бўлаётганини қўшимча қилади.

«Оператив-текширув ишларининг бошланишидан то жиноий иш кўзгалгунига қадар бўлган давр энг ҳавфли ҳисобланади, – дейди Мамешов. – Айнан ана шу вақт оралиғида қўлга олинганга нисбатан қийноқ қўлланиши мумкин». Бу ҳолат одатий ва кенг тарқалган дея ҳисоблаш ҳақида кўплаб тусунчалар мавжуд.

Экспертларнинг ҳисоблашича, қийноқларга қарши курашувчи орган ҳукуматдан мустақил бўлган тақдирдагина, қийноқлар олдини олувчи механизм самара бериши мумкин.

Саида Абдразакова, Бишкек

«Милицияда акамни то у ўз бўйнига айбни олмагунича қаттиқ калтаклашган, – дейди IWPR га берган интервьюсида фамилияси ошкор қилишни истамаган Валерий. У акаси ўзи содир қилмаган жиноят учун қамоқда ўтирган деган фикрда. – Қийноқ қўллаш орқали одамга исталган жиноятни юклаб қўйиш мумкин». «Ҳақиқий жиноятчилар кўп ҳолларда озодликда юришлари, аммо содир бўлаётган жиноятларни очиш статистикаси яхши кетаётганини кўрсатиш учун, ҳуқуқ-тартибот органлари ҳодимлари ўша жиноятни кимнингдир бўйнига юклаб қўйиш керак», – дейди Валерий.

Мамешовнинг таъкидлашича: «Қийноқлар қўлланилганини исботлаш жуда қийин, сабаби, милиция ҳодимлари қўлга олишда киши қаршилиқ кўрсатгани учун жароҳат олган дейишлари, ёки жароҳат унга камерадошлари томонидан етказилганини айтишлари мумкин». Мамешов милиция ҳодимларининг қўлга олинганларга нисбатан қийноқ қўллаши, нафақат уларнинг касбий этикасига зид экани, балки жиноий ишларни очишда ҳам тажрибасиз эканликларидан далолат эканини айтади.

«Ҳозирда қийноқ қўлланилгани ҳолатини ДНК

орқали аниқлашнинг усуллари мавжуд, аммо бизда ундай ускуналар йўқ, – дейди Мамешов. – ДНК анализини ўтказиш учун эса, қўшни Қозоғистонга боришга тўғри келади. Бу ҳолда, айбланувчининг айбсиз эканини исботлаш, унинг қариндошлари зиммасига юкланади». Ички ишлар вазирлиги матбуот котиби Бақит Сеитов эса, IWPR га берган интервьюсида, Қирғизистон мустақилликка эришганидан буён, милиция ҳодимларининг жиноятни очишда қийноқ қўллаши ҳолатига яқун ясалганини айтади. Ички ишлар вазирлиги қарорига кўра, шубҳа қилинаётган шахс милицияда



сақланади. Сўнг суд бошлангунга қадар у тергов изоляторига жойлаштирилади. Мазкур институт, ҳудди қамоқ каби Ички ишлар вазирлиги қарамоғидадир.

Адлия вазирлиги қошидаги жазони ижро этиш Бош бошқармасининг тарбия ва ҳуқуқий ҳимоя бўлими бошлиғи Табиш Мукаев, киноқлар қўлланилиши ҳақидаги иддаоларни рад этади. Унинг IWPR га таъкилашича, жорий йилнинг феврал ойида қамоқларни текшириш ишларининг натижаси, айнан ана шундай ҳулосага келган. “Бутун жавобгарликни бўйнимга олиб айтишим мумкинки, бизнинг муассасада қийноқлар қўлланилмайди”, – дейди у.

Шунингдек, Мукаев сўнги йилларда Қирғизистондаги озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида жиддий ўзгаришлар содир бўлгани ва ҳозирда жазони ижро этиш Бош бошқармаси фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини айтади. “Аввал текширувлар бир йилда бир маротаба ўтказилган бўлса, ҳозир биз маҳбусларнинг ҳуқуқи бузилаётгани ҳақида келиб тушаётган аризаларга тезкор равишда муносабат билдиришимиз керак. Айни пайтда, маҳбусларга нисбатан қийноқлар қўлланилаётгани ҳақида нафақат маҳбусларнинг ўзлари ва улар адвокати, балки қариндош-уруғлари ҳам арз қилишлари мумкин».

Бироқ, шунга қарамай милиция ва бутун пенитенциар тизими жамоатчилик учун ёпиқлигича қолмоқда.

Қирғизистондаги “Озодлик овози” жамоат жамғармаси координатори Эрнс Жапаровнинг таъкидлашича, нодавлат ташкилотларининг қамоқларга ташриф

бюриш ҳақидаги даъволарига бефарқликча ёндашилмоқда. Бунга сабаб эса, ҳукуматнинг нодавлат ташкилотларига ана шундай ваколатни берувчи юридик механизмнинг йўқлигидир.

Ҳуқуқшунослар эса, ўтган йили Қирғизистон халқаро шартномага қўшилганидан сўнг, бу ҳолат ўзгаришига умид боғламоқдалар. Қирғизистон 1996 йили БТМнинг қийноқ ва одам обрўсини таҳқиқловчи бошқа камситишларга қарши Конвенциясига қўшилган эди. Бундан ташқари Қирғизистон 2009 йил февралда мазкур ҳужжатга алоқадор факультатив протоколни ратификация қилиш орқали, ўз бўйнига қўшимча мажбуриятларни ҳам олди. Қўшимча протокол эса, мустақил халқаро ва маҳаллий ташкилотларга озодликдан маҳрум қилиш муассасаларини доимий равишда кузатиш ҳуқуқини беради.

Аммо маҳаллий нодавлат ташкилотлари, ҳукумат нафақат халқаро ташкилотлар, балки маҳаллий кузатувчиларга ҳам озодликдан маҳрум қилиш муассасаларига ташриф буюриб, у ердаги муаммони ечишларига руҳсат беришига умид боғламоқдалар. «Мазкур механизм фуқаролик жамияти вакилларига озодликдан маҳрум қилиш муассасаларига ҳеч бир тўсиқсиз кириш имкониятини яратиб беради, – дейди Жапаров. – Бу эса, ҳуқуқ-тартибот органлари ҳодимларининг жавобгарликни ҳис қилиш ва касбий ёндашуви даражасини оширишга кўмак беради».

Аммо ушбу механизм қандай амал қилиши ҳақида ҳамон турли баҳслар мавжуд. Балки қийноқлар бўйича миллий кўмита ташкил қилинар ёки «омбудсмен плюс»

номли модел ишга тушар. Сўнги ғояга кўра, омбудсмен ҳудудий монитор гуруҳлари билан биргаликда иш юритиб, уларнинг ҳаракатини қийноқларни мониторинг қилиш маркази бошқариши мумкин.

Гарчи Қирғизистон омбудсмени офиси ҳукумат томонидан молиялаштирилса-да, у мустақил ташкилот сифатида ўз фикри ва овозига эга эканлигини исботлай олди. Масалан, феврал ойида омбудсмен офиси ўтган йилги намойиш бостирилиши бўйича танқидий ҳисобот тайёрлаб, унда милиция ҳодимларининг намойишчилар ҳуқуқини бузиб, уларни айбга иқдор қилдиришда куч қўллагани келтириб берди.

“Коррупцияга қарши фуқаролик жамияти” жамоат бирлашмаси раҳбари Топекан Исмаилова, мазкур механизм, Қирғизистон сиёсий муҳитида мавжуд мавзунинг ўта нозиклигини ҳисобга олган ҳолда, унинг тўғри ташкил этилишини ўта муҳим дея ҳисоблайди. Унга кўра, бу механизм нейтрал, ҳамда фаолиятига ҳукумат ва президент Қўрманбек Бақиев жалб қила олган ҳолдагина самарали бўлиши мумкин. Исмаилова шундай дейди: «Қийноқларнинг олдини олиш Институтини ҳукуматдан мустақил бўлиши, шу билан бир қаторда, ҳукуматнинг душманига ҳам айланмаслиги керак».

Мамешов эса, фуқаролик жамияти томонидан назоратнинг оширилиши, кутилмаган натижани бериши мумкин дея ҳисоблайди. «Терговчилар ўз ҳаракатлари фуқаролик жамияти вакиллари назорати остида эканини билсалар, ҳозиргидек қонунни буза олмайдилар», – дейди Икрам Мамешов.

ТОЖИКИСТОНДА ЭРТА НИКОҶЛАРГА ҚАРШИ-КУРАШ

Ҳуқуқ фаоллари қонунга киритилажак ўзгартишлар Тоҷикистондаги эрта никоҳлар бўйича мавжуд ҳолатни ўзгартира олмайди дея ҳисоблайдилар.

Аслибегим Манзаршоева, Душанбе

Шифокор ва ҳуқуқ ҳимоячилари, Тоҷикистонда қизларни 16 ёшда турмушга бериш ҳолатининг оммавийлашгани, қизларнинг таълим олишга бўлган имкониятини чеклаб, улар соғлиғига путур етказиши ва қизларнинг оиладаги зўравонликка нисбатан заиф бўлиб қолиши ҳавфини ошириши мумкинлигини айтишмоқда. Ҳуқуқ ҳимоячилари ҳукуматнинг Оила кодексига фуқаролар 17-18 ёшдан бошлаб турмуш қуриш ҳуқуқига эга бўлишлари ҳақидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш режасини қўллаб-қувватладилар. Тоҷикистон хотин-қизлар Қўмитаси бу ҳақдаги таклифни президент Эмомали Раҳмонга юборгани маъ-

лум бўлди. Президент бу ташаббусни қўллаб-қувватлаган тақдирда, у парламентга юборилиши кўзланган.

БМТ ташкилоти икки йил давомида маҳаллий нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаганидан сўнг, мазкур ташаббус юзага келди. Тоҷикистондаги нодавлат ташкилотлари бу каби ўзгартиш ва қўшимчалар Оила кодексига анча йил аввал киритилиши керак эди деган фикрдалар. Аммо ҳуқуқ-ҳимоячилари янги қонуннинг ўзи мавжуд муаммони еча олишига шубҳа билдирмоқдалар. Қизларнинг эрта турмушга чиқиши олдини олишга ва аёлларнинг ўз ҳуқуқидан хабардорлигини ошириш бўйича қонуннинг амал қилиш механизмини кучайтирмоқ лозим бўлади. Ҳозирда Фуқаролик баъзи ҳолларда вояга етмаганларнинг турмуш қуришига руҳсат беради, шу боис, ҳуқуқ ҳимоячилари Оила кодексига киритилажак ўзгартишлар вазиятни

буткул ўзгартира олмаслигини таъкидлашмоқда.

Университетда таълим олган аёллар Ассоциациясининг директори Гулжаҳон Бобосодиқованинг айтишича, Фуқаролик кодексидagi ўша баъзи чекловлар, Тоҷикистонда вояга етмаган қизларнинг оммавий равишда турмушга берилишига сабаб бўлмоқда. Икки йил аввал Тоҷикистон статисти-

ка агентликлари томонидан мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар, 15 ёшдан то 19 ёшгача бўлган 9 фоиз қизларнинг турмуш берилганини кўрсатди. Душанбедаги никоҳ саройи келтирган маълумотларга кўра, жорий йилнинг олти ойи давомида 16 ёшни қаршилаган 9 та қиз ва 17 ёшда бўлган 117 нафар қиз турмушга чиққани аён бўлди.

Пойтахтдаги никоҳ саройи директори Барно Насимова, бу никоҳлао қонунга биноан қайд этилганини айтади. «Бу 9 та никоҳ суд қарорига биноан қайд қилинди. Баъзи ёшлар бир-бирларини севишлари, баъзилари эса, келиннинг етим экани, яна бошқа сабабларни келтиришди», – дейди Насимова. Ҳуқуқ ҳимоячилари ва шифокорлар эрта никоҳлар қўллаб муаммоларга сабаб бўлаётгани ҳақида гапиришмоқда. Эрта ҳомиладор бўлган ёш қизлар соғлиқлари билан боғлиқ муаммога дуч келишлари, ёки билим ололмаслик сабаб, шахс сифатида ривожланмай қолишлари мумкин. Шу билан бирга, уларнинг оиладаги зўравонлик қурбонига айланиш ҳавфи ҳам мавжуддир.

Репродуктив саломатлик Маркази директори Гулжаҳон Туманова, 16-17 ёшда турмушга чиқаётган қизлар руҳан турмуш қуришга тайёр эмасликлари, гарчи улар жисмонан баққуват кўринсаларда она бўлишга етарли малакалари йўқлигини айтади. Тоҷикистондаги 70 фоиз аёллар кам қонликка дучордирлар, аксар касалликлар ҳам айнан ёш аёллар ҳисобига тўғри келади. Шифокорлар эса, эрта ҳомиладорлик бола тушиши ёки унинг ривожланмай туғилишига олиб кели-



шини таъкидламоқдалар. Туманованинг айтишича, баъзан 20 яшар қизлар икки ё уч фарзанд онаси бўладилар. Аммо шунга қарамай, улар орасида билим олмаганлар ва ҳаётий тажрибага эга бўлмаганлар кўпчиликни ташкил қилади. Бундай аёллар эса, болани тарбия қилишда қатор қийинчиликларга дуч келадилар.

«Панорама» жамоат жамғармаси раисаси Татьяна Бозрикова, эрта турмушга чиққан қизлар ўқиш ва таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлишларини таъкидлайди. «Эрта никоҳ келтириб чиқарадиган ижтимоий муаммо, бу қизларнинг турмушга чиқишидан сўнг ўқишни ташлаши ҳисобланади», – дейди Бозрикова. Унинг айтишича, буни мактабдаги ўғил болалар сонини қизлар сони билан солиштирганда билиш мумкин: «Агар бошланғич синфларда ўғил ва қиз болалар сони бир-бирига яқин бўлса, 10-11 синфларда қизлар синфдаги ўқувчиларнинг атиги 38 фоизини ташкил қилади. Агар бу ҳолатни алоҳида вилоятларда кузатадиган бўлсак, бу рақам янада пастроқ бўлиши мумкин».

Ҳотин-қизлар ва оила масаласи бўйича Қўмита раисининг биринчи ўринбосари Қимматгул Алибердиева, Бозрикова фикрларига қўшилади. Унга кўра, баъзи шарт-шароитга кўра эрта никоҳ қуришга руҳсат бериш, охиrqибат қизларнинг ўқишни ташлашига олиб келмоқда. «17 яшар қиз партада ўтириб, билим олаётгани пайти, уни турмушга беришади. Муаммо ҳам ана шунда», – дейди Алибердиева. Бобосодиқовага кўра, мактабни тамомлаш қизнинг ижтимоий мақомини оширишдаги биринчи қадамдир. «Янги ҳаётга қадам қўйишдан аввал, қизлар билим, ўзларининг қандайдир иқтисодий асосларига эг бўлишлари керак», – дейди у.

Гендер тадқиқотлар Маркази директори Марям Давлатова, ёш қизларнинг билимга эга бўлмаслиги жуда катта муаммо

эканлиги, қизлар кўп ҳолларда 15 ёшда турмушга чиқишларини айтади. Унинг фикрича, бундай қизларнинг аксари оиладаги зўравонликка нисбатан ўта заиф бўлиб қоладилар. Уларнинг баъзилари эса, ҳаттоки ўқиш ва ёзишни ҳам билмайдилар. «Бу ҳолда у ўзининг қайси ҳақ-ҳуқуқларидан хабардор бўлиши мумкин? Аёл ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиши учун, у авваломбор ҳуқуқ нима эканлигини билиши керак. Айнан ана шундай қизлар оиладаги зўравонликнинг асосий қурбонлари ҳисобланадилар», – дейди Давлатова.

Душанбедан 90 км чақиримда жойлашган Қўрғон-Тева шаҳрида истиқомат қиладиган 20-яшар Фируза, икки маротаба турмуш қурган. Биринчи сафар ота-онаси уни 15 ёшда турмуш қуришга мажбур қилган. Ўшанда у турмуш ўртоғини илк бора никоҳ кечасида қўрган. У янги оиладаги шароитга қийинчилик билан кўникканини айтади. Фируза бошқа вилоятда туғилиб ўсгани учун, қайнонасини «сенлаб» чақирган, бу эса қайнонанинг жиғига теккан. Қайнона буни ўзига нисбатан ўта ҳурматсизлик деб билган. Фирузанинг турмуш ўртоғи хотинини севишига қарамай, ота-онасининг босими остида, Фирузани 3 ойлик ҳомиладор бўлганида ташлаб кетган.

Сўнг Фирузанинг опалари фарзандсиз сингилларининг яна бир маротаба турмушга чиқиши осонроқ кечиши ҳақидаги насиҳатларидан сўнг, қиз боласини аборт қилишга мажбур бўлган. Аммо Фируза боласини йўқотгач, нерв касаллигига дучор бўлиб, касалхонага тушиб қолади. Касалхонадан уйга қайтгач, Фируза иккинчи маротаба турмушга чиқади, аммо бу никоҳ ҳам узоққа чўзилмай, қиз 19 ёшида иккинчи турмушидан ҳам ажрашиб кетади. Унинг иккинчи турмуш ўртоғи аёл кишига уйлангани ҳақида дўстларининг кулгусига учраб, сўнг Фируза билан ажрашишга аҳд қилади. Фарзандсиз, иккинчи турмушидан ҳам ажрашган Фируза яна бир маротаба нерв



касаллигига учраб, ҳозирда ота-онасининг уйида, шифокорлар назорати остида яшаб келмоқда.

Тожикистонда эрта никоҳлар анъанага айланган, аммо 1992 йилдан то 1997 йилгача давом этган фуқаролар уруши давомида, бу ҳолат анча кенг тарқалган эди. Уруш вақтида кўп ота-оналар содир бўлаётган тартибсизлик давомида қизларининг зўралнишидан ҳавотирланиб, уларни эрта турмушга чиқарганлар. Агар ўша пайтда қизни кимдир зўрлаб кетса, бу авваломбор, оила шаънига доғ тушириб, қизнинг турмушга чиқишига катта тўсиқ ҳисобланарди. Фуқаролар уруши пайтида, Жумагул вояга етмаган қиз эди. Унинг ота-онаси жанубдаги Хатлон вилоятидаги Бўхтар туманидан Душанбега кўчиб келган қочқинлар бўлган. Улар қизлари 16 ёшда бўлган пайти, уни турмушга чиқариш қарорини қабул қилгандилар.

Турмуш ўртоғи Жумагулни биринчи никоҳ кечаси кўриб, уни ёқтирмай қўйди. Аввалига улар тезғтез уришиб туришарди, сўнг эса, у хотинига қўл кўтара бошлади. Жумагулнинг эри қариндошлари эса, қизнинг қишлоқдан бўлгани учун уни ёқтирмай қўйишди. «Қайнонам

ва эримнинг опаси мени тинч қўйишмасди, доим менга сен қишлоқисан, ҳеч нарса қилишни билмайсан деб уришишарди», – дейди Жумагул.

От ее семьи поддержки было мало. «Родители все время уговаривали меня терпеть, мол, все образуется. Четыре года жила в этом аду», – говорит Джумагуль. Когда Джумагуль развелась с мужем и вернулась в дом родителей, ее братья заявили, что она – обуза для семьи. Будущее девушки туманно. «Пока живы мои родители, они не могут мне ничего сделать, но когда родителей не станет, брат меня выгонит из дома», – говорит она.

«Иногда меня посещают мысли покончить жизнь самоубийством, и только сын меня удерживает», – сказала девушка.

Эрта турмуш қуриш ҳозирда катта муаммога айланиб, 20 ёшдаги қизлар Тожикистонда қари қиз ҳисобланмоқдалар. Оқибатда ота-оналар қизларини эрта турмушга бериб, қизларнинг кўпи ўқишни давом эттиролмаёпти. Одатда болалар ўқишни 18 ёшда тамомлайдилар. Қизларнинг эрта турмушга чиқишига эса, йигитларнинг етишмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Ишга лаёқатли аксар йигитлар иш излаб, хориж давлатларига кетиб қолмоқдалар. 1,5 миллионга яқин Тожикистонлик меҳнат муҳожирлари ҳозир Россия ва Қозоғистонда ишламоқдалар. «Ҳозир вазият ақл бовар қилмас кўриниш олмақда. Ота-оналар қизларининг “ўтириб” қолишидан кўрқиб, уйларига келган биринчи совчига розилик бериб юборишарди», – дейди Алибердиева.

Ўзини Саади дея таништирган Тожикистон жанубидаги Восей тумани, Садриддиншон қишлоғи фуқароси, қиз бола мактабни тамомлагач икки йил ўтиб турмушга чиқмаган ҳолда, у қари қиз бўлиб қолиши ҳақидаги гапларни IWPR га тасдиқлаб берди. «Бу йили 1990-1991 йилда туғилган

қизларни турмушга беришарди. Қишлоғимизда қари қизлар кўп, улардан кўпроғини эса, ажрашган аёллар ташкил қилади. Эркаклар деярли қолмади, уларнинг кўпи Россия уйланиб кетарди», – дейди у.

Ҳуқуқ ҳимоячилари эса, ҳозирда статистика маълумотлари фақат қонуний равишда рўйхатдан ўтган никоҳлар миқдорини кўрсатиши мумкинлигини айтишмоқда. Бу эса, асл вазиятни кўрсата олмайди, сабаби, кўпчилик қизлар диний урф-одатлар бўйича турмуш қурадилар. Тожикистоннинг аксар фуқаролари сунний мусулмонлардир, шу боис, уларнинг кўпи диний муассасаларда никоҳ ўқитиш билан чекланиб кўядилар. Бундан икки йил аввал эса, ҳукумат диний бошқармаларга қонуний никоҳдан ўтмаганларга масжидда никоҳ ўқишни ман қилиб қўйганди.

Ҳуқуқ ҳимоячилари эса, гарчи диний никоҳлар сони камайган бўлса-да, уларнинг буткул олдини олиш учун янада кўпроқ тадбирлар ўтказилиши шартлигини айтишмоқда. Давлатова бундай ҳоллар рўй берганда ҳуқуқ-тартибот органларини огоҳлантирувчи механизмларнинг йўқлигини айтмоқда. Бундай ҳоллар ҳақида қизларнинг ўзлари хабар қилишлари керак эмас, бунининг олдини олишга қаратилган кучлироқ механизм ишлаб чиқиш керак, дейди у.

Насимова эса, эрта никоҳлар охир-оқибат ажримларга олиб келиши, сабаби, аксар ёшлар турмуш қуришга тайёр эмасликларини айтиди. «2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида бизнинг никоҳ ўйимизда 441 та ажрашиш қайд қилинди. Ўтган йили бу кўрсаткич 420 та ажримни ташкил қилганди», – дейди у. Ҳуқуқ фаоллари ва экспертлар эрта никоҳлар олди олиниши мумкинлиги, аммо бунинг учун ҳар томонлама кураш олиб бориш кераклигини айтишмоқда. Мазкур кампания иштирокчилари ёш аёлларни мазкур муаммодан хабардор қилиш, қизларга ўқишни тамом-

лашга йўл қўйиш, ушбу ҳолатга чек қўйишини келтиришмоқда.



Бозрикованинг фикрича, муаммони ҳал қилиш учун аёллар, эркаклар ва ота-оналар ўртасида тунунтириш ишларини олиб бориш керак. Бобосодиқова, эрта никоҳларга чек қўйвчи қонунга тўла амал қилиш, ва ҳеч қандай шароит остида эрта никоҳларга руҳсат берилмаслиги кераклигини айтиди. Тожикистон юрист аёллар Лигасининг ижрочи директори Зебо Шарифова, аёлларнинг ҳуқуқий онгини оширмай туриб, бу муаммони ечиб бўлмамлигини айтиди. Унга кўра, бу айниқса қишлоқларда яшаётган аёллар учун жуда муҳимдир. «Эрта никоҳлар кўпинча узоқ қишлоқларда учрайди. Баъзи ҳудудларда аёллар, умуман одамлар ўз ҳуқуқларини билмайдилар», – дейди у.

“Улар оила, фуқаролик кодекси нималигини билишмайди, шу боис, ўзларининг ёш қизчаларини хотини бор эркакларга турмушга беришарди», – дейди Шарифова. Бозрикова эса, барчаси қонунга амал қилиш сифатига боғлиқ эканини айтиди. Қизларни мажбуран турмушга берган ёки уларнинг билим олишга бўлган имкониятини чеклаган одамлар жуда кам ҳолларда жавобгарликка тортиладилар. Шунинг учун, у турмуш қуриш ёшининг ўзгартирилиши, эрта никоҳлар олдини ололмамлигини айтиди. Қонундан ташқари, кузатувчилар, одамлар стереотипи ва қашшоқликнинг олди олиниши керак дея ҳисоблайдилар. Аммо Бозрикова, ҳукумат самарали ҳуқуқий асосни ташкил қила олган ҳолдагина, вазиятни назорат қилиш имконига эга бўлишини айтиди.

Тожик аскарлари мина портлаши оқибатида олган жароҳатлари учун товон пули олиш ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилмоқдалар.

Мина портлаши оқибатида жисмоний зарар кўрган собиқ ҳарбийлар ҳукумат улар тақдирига бефарқ деган фикрдалар.

Аслибегим Манзаршоева, Душанбе

Касбий фаолиятларини бажариш пайтида мина портлашида жисмоний зарар кўрган тожик армиясининг собиқ ҳарбийлари, ҳукумат уларга тўлаётган товон пулининг бир қисмини ушлаб қолаётганидан арз қилмоқдалар. 1995 йили Жафар Нозимов, мамлакат шарқида жойлашган Тавилдар ҳудудида мухолифат партизан гуруҳлари билан курашган ҳукумат армияси сафида хизмат қилган. Хизмат пайтида, Жафар икки кун аввал мина портлаши оқибатида ҳалок бўлган икки йигитнинг жасадини ташқарига олиб чиқмоқчи бўлганида, билмасдан минани босиб, бир оёғидан маҳрум бўлганди.

Жафар ҳарбий хизматга лаёқатсиз дея тан олинганидан сўнг, у шундай деди: «Мен ариза ёзиб, ўзим хизмат қилган ҳарбий қисм, сўнг ҳарбий кўмита, мудоффаа вазирлиги ва ҳарбий прокуратурага мурожаат қилдим. Уларнинг барчаси мен улар рўйхатида йўқлигим сабаб, менга бир маротабалик суғурта ва товон пули тўлай ололмасликларини айтдилар». Нозимовдан ташқари ҳозир Тожикистонда мина портлаши оқибатида жароҳат олган яна 90 собиқ ҳарбий ва мина портлаши оқибатида ҳалок бўлган 40 та кишининг оиласи истиқомат қилади. Уларнинг кўпи, ҳукумат томонидан керакли товон пули ололмаганларидан арз қиладилар. 2003 йилда ташкил этилган ва БМТ томонидан молиялаштириладиган, ҳукумат тасарруфидаги миналардан тозалаш Тожикистон

маркази келтирган маълумотларга кўра, 1992 йилдан бошлаб мина портлаши оқибатида 350 дан зиёд киши ҳалок бўлган, яна 450 дан ошиғи жароҳат олганди. Уларнинг кўпи оддий фуқаролар бўлиб, мина қўйилган ерларда мол боқиш, қишлоқ хўжалиги юмушлари билан банд бўлган ёки ўтин тераётган пайтлари зарар кўрганлардир. Уларнинг учдан бир қисмини эса, болалар ташкил қилади. Минадан тозалаш Марказининг ҳисоб-китобига кўра, мина портлаши оқибатида ҳалок бўлган ёки жароҳат олганларнинг ўндан бир қисмигина ўша пайтда ҳарбий кучларда хизмат қилганлар.

Тожикистонда пехотага қарши миналари учта та турли тарихий давр ва учта участкада жойлаштирилган эди. Бу 80 йилларда совет аскарлари томонидан афғон чегараси бўйлаб жойлаштирилган миналар, 1992-1997 йилларда шарқда жойлашган Рашт водийсига жойлаштирилган миналар, ҳамда 1999-2000 йилларда ислон жангариларининг ҳужумидан сўнг Ўзбекистон ҳукуматининг Тожикистон билан чегарасини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштирилган миналардир. 26 яшар Муҳаммад Ераҳманов, мина портлашининг сўнги қурбонларидан бири бўлди. Жорий йил июн ойида Тожикистон жанубидаги Дарваз туманида портлаган мина оқибатида, у бир кўзидан маҳрум бўлди.

Талабшо Қосимов эса, ҳудди Нозимов каби, ўн йил аввал якун топган фуқаролик уруши пайтида мина портлаши оқибатида олган жароҳати учун товон пули олишга уринаяпти. 1996 йилдаги миналардан тозалаш операцияси вақтида армияда хизмат қилаётган Қосимов, бир оёғини



йўқотган. Шундан сўнг, 9 ой ҳарбий госпиталда даволанган Қосимов олган жароҳати учун на суғурта, на бир марталик товон пули ололмаганини айтади. Ўшанда Қосимов хизмат қилган бўлим командири ҳаттоки ишлаб турган офицерларга ойлик тўлаш учун пул йўқлигини айтганди. Қосимов армиядан кетгач, у эндиликда ҳарбий бўлмагани учун товон пули ва суғурта ололмаслигини айтишган. Сўнг уни Кулоб туман маҳаллий маъмуриятига юбориб, у ерда унга 18 доллар миқдорида ойлик нафақа белгилашди. Аммо бу пул ҳаттоки расмий бир ойлик ку кечирш учун зарур бўлган энг кам маблағдан ҳам камроқдир.



Ҳозир Қосимов маҳаллий шифонада ишлаб, кам миқдордаги нафақасига қўшимча пул топишга ҳаракат қилмоқда. Аммо шунда ҳам унинг ҳаёт кечериши жуда қийин кечмоқда. «Мен уч фарзанд отаси бўлганим учун олаётган нафақам ва маошим оила боқиш учун етарли эмас», – дейди у. Қосимов ва Нозимовларнинг ҳисоблашича, мудофаа вазирлиги улар вазиятига бефарқ бўлиб қолмоқда. Аммо улар аввал ва ҳозир тўланиши керак бўлган товон пулининг берилишини талаб қилишмоқда.

Нозимовнинг таъкидлашича, аксар собиқ аскарлар турли гуруҳ ногиронларига бўлишларига қарамай, ҳукуматдан на товон пули, на бир ёрдам ололганлари йўқ. «Кўп йигитлар ишга лаёқатсиздирлар, аммо улар ишлашни хоҳлайдилар. Сабаби, ногиронлик учун олаётган кам нафақаларига оила боқиш жуда қийин», – дейди у. Нозимовнинг айтишича, 4 йил аввал ҳарбийларнинг лаёқатсизлиги сабаб истеъфога кетиши пайтида, бир марталик товон пулининг 30 фоизга қисқаргани, ҳозирда 540 АҚШ долларини ташкил қилмоқда. Тожикистон мудофаа вазирлигининг IWPR га йўллаган расмий ҳатида шундай келтирилади: «Амалдаги қонунда келтирилган суғурта ва товон пулини тўлаш бўйича биз рад жавоб берганимиз йўқ».

Шунингдек, ушбу ҳатда келтирилишича, худди 2005 йилда бўлгани каби мудофаа вазирлиги давлат

суғурта компанияси орқали товон пулини тўлаб келмоқда, аммо баъзи ҳарбий бўлимлар мина портлаши оқибатида зарар кўрган собиқ ҳарбийлар учун товон пули тўлашга ҳақлидирлар. Ҳарбий штабда муҳандислик бўлимини бошқариб келган генерал-майор Абдуқаҳор Сатторов, хизмат ўтаган барча ҳарбийлар суғурта-ланганини қўшимча қилади.

Штаб операциялари бўйича координато Парвиза Мавлонқулов, миналардан тозалаш операциясида иштирок этган ҳар бир собиқ ҳарбий суғурта олиш ва бепул даволанишга ҳақли эканини айтади. Товон пули ва суғурта эса, собиқ ҳарбий олган жароҳат турига боғлиқдир. Мина портлаши оқибатида ҳалок бўлган кишининг оиласи эса, 20,000-25,000 минг АҚШ доллари миқдорида товон пули олишга ҳақлидир. Мазкур тўловларни миналардан тозалаш Маркази ва унинг доноридан олиш мумкиндир. «Албатта, мудофаа вазирлиги пуллик ёрдам кўрсатмоқда, аммо барчангизга Тожикистондаги вазият маълум. Шу боис, мудофаа вазирлиги тўлаётган ҳақ, собиқ ҳарбийларнинг суғурта компанияларидан олиши керак бўлган ҳақдан анча камроқдир», – дейди Мавлонқулов.

Анча аввал мина портлаши оқибатида зарар кўрган собиқ ҳарбийлар эса, товон пулини мудофаа вазирлиги ва бошқа ҳукумат органларидан олишлари керак. Нозимовнинг айтишича, мудофаа вазирлиги собиқ ҳарбийларни маҳаллий маъмуриятларга юборсалар, ўз навбатида, маҳаллий маъмуриятлар зарар кўрганларга ёрдам беришдан бош тортмоқда. «Биз яна кимга мурожаат қилишни билмаяпмиз», – дейди у.



Нозимов бошқа собиқ ҳарбийлар билан биргаликда бирлашма тузиб, шу орқали ҳукуматдан товон пулини ундиришга ҳаракат қилапти. Бу гуруҳ собиқ ҳарбийларга юридик кўмак кўрсатиб, улар ўз оилаларини боқишлари учун иш топишга кўмаклашмоқда. Бу ташкилот илк қадамиданоқ турли молиявий қийинчиликларга дуч келмоқда. Бир пайтлари, ушбу ташкилот аъзолари улар ташкилоти учун офис топишга ёрдам беришни сўраб, мудофаа вазирлигига мурожаат қилганди. Аммо мудофаа вазирлиги мина портлаши оқибатида зарар кўрганларга ёрдам бераётган ташкилотлар кўплигини айтиб, улар илтимосига ёрдам беришдан бош тортди.

Мудофаа вазирлигининг вакили IWPR га улар номини келтириб ўтди. Бу ногиронлар Миллий ассоциацияси, кўр ва карлар жамияти, ҳамда протезлар ишлаб чиқариш фабрикаси. Шунга қарамай, Мавлонқулов янги ассоциация ташкил этиш ташаббусини қўллаб, унинг аъзолари донорлар томонидан керакли молиявий кўмак олишлари мумкинлигига ишонч билдирмоқда.

Пахта далаларида болалар меҳнатидан воз кечиш мумкинми?

Ўзбекистондаги фермерларнинг айтишига қараганда, агар расмийлар уларга кўпроқ эркинлик берганларида, пахта терими пайтида болалар меҳнатидан воз кечиш мумкин бўлар эди.

IWPR нинг Марказий Осиёдаги ҳодимлари

Сентябрь ойи ўртасидан бошлаб мустақил оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқ ҳимоячилар пахта терим кампанияси бошланиши билан пахта далаларида теримчи болалар пайдо бўлгани ҳақида хабар бера бошладилар.



“Мақтаблар учун пахта териш бўйича меъёр белгиланган, - дейди Фарғона водийсидаги аҳоли пунктларидан бирида яшайдиган аёл. – Мақтаб директорларидан бири болаларни пахтага олиб чиқмайман деганди, унга ишдан ҳайдаймиз дея таҳдид қилишди”.

Ўзбекистондаги манбалар 22 сентябрь куни мамлакат бош вазир Шавкат Мирзиёев барча вилоятларнинг ҳокимлари ва хавфсизлик хизматлари раҳбарлари билан селектор йиғилиши ўтказганини ҳақида маълум қилдилар ҳамда уларга пахта теримини ҳашар йўли билан ташкил этишга топшириқ берганини тасдиқладилар. Марказий Осиё халқлари орасида асрлар оша сақланиб келган ва анъанага айланган ушбу одат Ўзбекистонда аслида болаларнинг пахта далаларида мажбурий меҳнатини англата бошлаганига анча бўлиб қолди.

2008 йилгача мамлакатда болалар меҳнатидан фойдаланиш амалиёти кенг қўлланиб келган эди. Пахта далаларидаги меҳнатга 8-9 ёшдаги балоғатга етмаган болалар мажбурий равишда жалб этилар ва шу сабабдан халқаро ҳамжамият Ўзбекистон ҳукуматини мамлакатда болалар меҳнатига чек қўйишга бир неча бор чақириб келган эди.

Ўтган йили сентябрь ойида Ўзбекистон расмийлари республика пахта плантацияларида болалар меҳнати тақиқлаб қўйилгани, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Болалар эксплуатациясининг энг ёмон шакллариининг илдинини куришти тўғрисида” ва “Ишга қабул қилишнинг минимал ёши тўғрисида”ги Конвенцияларини ратификация қилингани ҳақида билдирган эдилар.

Ушбу чоралар расмий Тошкентни пахта териш мавсумида болаларни мажбуран пахта далаларига чиқаргани учун танқид қилган ва норозилик сифатида Ўзбекистонда етиштирилган пахта топасидан тайёрланган маҳсулотларни сотиб олмасликни тавсия қилган АҚШ ва Буюк Британиядаги йирик тўқимачилик ва кийим-кечак маҳсулотлари

импортчилари ва сотувчилари томонидан бойкот қилиниши ордан амалга оширилди. (Уқинг: Ўзбекистон расмийлари пахта далаларида болалар меҳнатидан фойдаланишни чекламоқдалар, 2008 йил 23 сентябрь.)

2009 йил май ойида республикада ўқувчи ёшлар яна пахта далаларига чиқарилаётгани ҳақида хабарлар кела бошлади. (Уқинг: Ўзбекистон: Болалар яна пахта далаларида, 2009 йил 26 май.)

Баъзи фермерларнинг айтишига қараганда, болалар меҳнатидан воз кечиш амалда қийин эмас. Расмийлар бунинг учун бор-йўғи қишлоқ хўжалиги секторида чинакам ислохотлар ўтказишлари, фермерларга мустақиллик беришлари ва стратегик хом ашёга давлат буюртмасини бекор қилишлари лозим.

Бу йил расмийлар уч миллион тоннадан кам бўлмаган пахта ҳосили йиғиштириб олишга қарор қилганлар.

“Айни пайтда мамлакатда юқори даражада ишсизлик кузатилмоқда, мардикор бозорларда одам жуда кўп, – дея фикр юритади Тошкент вилоятида деҳқончилик қилувчи пахтакор. – Ҳукумат ўша одамларни йиғиштириб пахта даласига олиб чиқса бўладику. Шу йўл билан болалар меҳнатини четлаб ўтиш мумкин”.

Ушбу ғояни амалга ошириш йўлида албатта кўплаб одамларни



Ўзбекистон ҳукумати ҳуқуқ фаолларига нисбатан босимни кучайтирмоқда

Ҳуқуқ фаоллари намоёиш ўтказиш учун ҳуқуқий меёрлар қидирмоқдалар.

Баҳодир Намозов, Тошкент

жалб этиш ва пахта терим суратларини кўтариш учун кўшимча маблағлар зарур ва бу муаммони албатта ҳал этса бўлади, дея ишонтиради деҳқон.

Ҳар бир ўзбек фермернинг банда ўз ҳисоб рақами бор. Ушбу ҳисоб рақамларига давлатга қарашли тайёрлов компанияларидан пахта терим мавсумида пул маблағлари келиб тушади.

Давлат компаниялари ўтган 2008 йилда ҳар бир килограмм ўзбек пахтасини 400 сўмдан сотиб олган эди (26 цент). Бу йил расмийлар деҳқонларга ҳар бир килограмм пахта хом ашёси учун 502 сўмдан (33 цент) тўлашларини эълон қилдилар.

Фермерлар пахта терими мавсумида ўз ҳисоб рақамларига келиб тушган пулнинг бир қисмини теримчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун ишлатадилар, аммо Ўзбекистонда банклардан нақд пул олиш қийин масала, мамлакатда ўзбек сўмларини олишда чекловлар мавжуд.

“Агар фермерларга эркинлик бериладиган бўлса, улар ўз ҳисоб рақамларига келиб тушган пулларни ўзлари хоҳлагандек тасаруф қила олар эдилар, ўшанда пахта теримига болаларни чиқармаса ҳам бўларди, - дея суҳбатга кўшилади мамлакат марказидаги Жиззах вилоятида деҳқончилик қиладиган фермер. – Ҳозир қанчадан-қанча одамларимиз Қозоғистонга пахта тергани қатнаптилар. У ерда теримчиларга бизга қараганда анча кўп иш ҳақи тўлайдилар”. (Уқинг: Ўзбекистонлик пахтакорлар Қозоғистон пахта далаларига ошиқмоқдалар, 2009 йил 18 сентябрь).

Кўшни Қирғизистон ва Қозоғистонда ҳам пахта етиштирилади, у ерда терилган ҳар бир килограмм пахта учун 11-15 центдан тўлайдилар. Ўзбекистонда эса 2008 йилда болаларга ҳар бир килограмм терилган пахта учун 2,5 цент ва катталарга 3,5 центдан тўланган эди.

Қишлоқ хўжалиги секторида замовий механизация воситаларини жорий этиш ҳисобига болалар меҳнатидан воз кечиш мумкин бўлар эди.

“Ўтган асрнинг 90-чи йилларида бизда пахта терадиган яхши техникамиз бор эди, - дея эслайди мамлакат шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Хоразм вилоятида деҳқончилик қиладиган фермер. – Мисол учун, 1991 йилда биз болаларни пахта далаларига чиқарганимиз йўқ, ҳосилнинг барини машиналар ёрдамида териб олган эдик”.

Ўзбекистондаги ҳуқуқ ҳимояси ташкилотлари жамоат намоёишлари ўтказиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан тазйиққа учраш, ёки Ўзбекистон ҳукуматида кўпроқ мақбул бўлмиш йўл, уйларида тинчгина ўтириб, халққа кўринмаслик каби танлов олдида турибдилар.

Ҳеч вақт юридик жиҳатдан тан олинмаган ва аъзолари доимий таъқиб остида бўиб келган ўзбекистонлик ҳуқуқ ҳимояси ташкилотлари қудратли полиция давлати сояси остида фаолият юритиб келмоқдалар.

IWPR томонидан сўров қилинган ҳуқуқ ҳимояси ташкилотлари аъзолари, кузатувдан тортиб, то ҳужум ва ҳибсга олиш каби уларга нисбатан қўлланиладиган қатор чоралар ҳақида айтиб бердилар.

Жиззахлик етакчи ҳуқуқ фаолларидан бири, ўзи ва ҳамкасблари, хусусан ҳукуматни танқид остига олган пайтлари кескинлашадиган, доимий назорат остидан яшаб келаётганлари ҳақида гапирди.

«Сўнги пайтларда ҳуқуқ тартибот идораларининг ҳуқуқ ҳимоячиларини таъқиб қилиш ҳоллари кўпайди, - дейди у.



Аниқланишича, яқинда унинг ҳамкасбларидан бири «профилактик суҳбат» ўтказиш учун Миллий хавфсизлик хизмати-га (МХХ) чақиртирилган. Аслида бундай суҳбат остида кўрқитиш ва ҳуқуқ ҳимояси фаолиятини бекор қилиш эвазига турли имтиёзлар ваъда қилиш қоришмаси яширинган.

Шунингдек, ҳуқуқ фаоли яна бир ҳамкасбининг уйи олдида доимо машиналар навбатчилик қилиши, унда ўтирган штат кийимидаги милиция ҳодимлари эса ҳуқуқ фаоли уйига келаётган ҳар бир кишига шикоят билан жамоат ҳуқуқ ҳимоячиларига эмас, балки давлат идораларига мурожаат қилиш кераклигини айтишганини маълум қилди.

Бундан ташқари у, хавфсизлик хизматлари ҳуқуқ ҳимоячилари орасида турли низолар келтириб чиқариш учун улар сафига айғоқчиларни киритиш каби мураккаб усуллардан ҳам фойдаланишларини айтади.

«Бизнинг вазиятимиз жуда қийин, – дейди у. – Давлат идоралари турли миш-мишлар тарқатиб, ҳуқуқ фаоллари орасига совуқчилик тушириш учун барча усулларни қўлламоқдалар».

Ҳуқуқ ҳимоячиси, Миллий хавфсизлик хизматида сўров ўтказиш учун бир ҳуқуқ ҳимоячиси чақиртирилиб, сўнг унинг махфий хизматларга «сотилгани» ҳақида миш-мишлар тарқатилгани ҳақидаги бир воқеани айтиб берди. «Оқибатда ҳуқуқ ҳимоячилари орасида бир-бирига ишончсизлик пайдо бўлади», – дейди у.

Аммо мавжуд қўрқув муҳитига қарамай, жамиятни мавжуд муаммолар юзасидан кўпроқ огоҳлантириш мақсадида ҳуқуқ ҳимоячилари вақти-вақти билан намойишлар ўтказишни давом эттирмоқдалар.


Шу боис, улар Ўзбекистоннинг жамоат йиғишлари ҳақидаги ре-

прессив қонунлари билан бево-сита зиддиятга учрамоқдалар.

Очиқ ҳавода норозилик билдириш учун руҳсат шарт, аммо кўп ҳолларда ҳуқуқ ҳимоячилари ва бошқа фуқароларга бунинг учун рад жавоб берилади. Руҳсат берилмаган йиғилиш ўтказилган ҳолда эса, дарҳол милиция ҳодимлари ишга киришадилар.

кабр ойида Тошкентдаги Бош прокуратура биноси олдида ўтказилган пикет иштирокчилари, акциянинг муаммосиз бўлиб ўтганига қарамай, милиция участкасига олиб кетилган.

Ҳукумат акция тайёрланаётгани ҳақида маълумот олгач, унинг ўтказилиши олдини олиш мақсадида, чоралар кўради. Шу йилнинг 13 май куни



Қонуннинг ушбу низомини четлаб ўтиш мақсадида, ҳуқуқ фаоллари кичик акциялар ўтказиб, уларни «пикет» дея номлашга мажбурлар. Сабаби, қонун пикет ўтказишни ман қилмайди.

Шунга қарамай, пикет иштирокчилари қатағонга дучор қилинадилар. Масалан, ўтган йил де-

ҳуқуқ ҳимоячилари 2005 йил бўлиб ўтган Андижон воқеалари оқибатида бегуноҳ ҳалок бўлганлар хотирасига атаб Тошкентдаги Ёдгорлик обидаси пойига гулчамбар қўйишни режалатиргандилар. Аммо уларнинг режаси амалга ошмади. Баъзи ҳуқуқ фаоллари ҳуқуқ тартибот идоралари ҳодимлари то-

монидан аввалдан ҳибсга олинган бўлса, яна бир гуруҳ ҳуқуқ ҳимоячиларига уйлари тарк этишга руҳсат берилмади.

Ўзбекистондаги «Виждон тутқунлари қўмитаси» раҳбари Баҳодир Намозовнинг айтиб беришича, ўша куни у уйдан чиқаётган пайти, ёнига икки нафар киши келиб, «Агар уйингизни тарк этсангиз, сизни ҳибсга олиб, участкага олиб кетамиз. Сиз ушбу тадбир ташкилотчиларидан бири эканингиздан хабардормиз», – дейишган.

Икки нафар ҳуқуқ ҳимочиси Ёдгорлик обидасига гул куйишга улгурган, аммо шу заҳотиёқ милиция ходимлари уларни қўлга олган.

Ўзбекистон ҳукумати бу санани четлаб ўтди. 2005 йилнинг 13 май куни ўзбек ҳукумати Фарғона водийсида жойлашган Андижон шаҳридаги тинч намоишчиларга қарата ўқ очган. Натижада юзлаб тинч аҳоли ҳалок бўлган. Ушбу қонли воқеадан сўнг бошланиб кетган оммавий қамоққа олишлар, Андижондаги митингга иштирок этганликда гумон қилинаётган ҳар бир кишини четлаб ўтгани йўқ.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги икки нафар ҳуқуқ ҳимоячиси эса, очиқ норозилик билдиришнинг афзалликларига ишончсизлик билдириб, буни ўзигина етарлик эмаслигини, баъзи ҳолларда эса, аксинча натижага олиб келишини айтишди.

«Агар масалага қонуний жиҳатдан ёндошсанг, давлат идоралари ва туман ҳокимлари жавобдан қочиб қутила олмайдилар, – дея таъкидлайди ҳуқуқ фаолларидан бири. – Аммо ҳар бир ҳолатда кўчага югириб чиқиб, «Қутқаринглар!» дея бақириб муаммони ҳал қилолмайди. Аксинча, биздан ёрдам сўраб келганлар ҳам, бу ҳолда биздан қоча бошлайдилар», – дейди у.

Гарча Ўзбекистон ҳукуматининг Андижон воқеалари юзасидан мустақил текширув ўтказишини талаб қилган Ғарб давлатлари билан ўртасидаги сўнги муносабатларида бироз илиқлик кузатилаётган бўлса-да, аммо ҳанузгача ўзбек ҳукуматининг ушбу давлатларга нисбатан сақланиб келаётган адовати давлат амалдорлари ва ҳуқуқ ҳимояси ташкилотлари муносабатларига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда.

«Ҳуқуқ ҳимоячилари АҚШ ва бошқа Ғарб давлатлари айғоқчиларидир, – деди Ички ишлар вазирлигининг (ИИВ) терроризм, радикализм ва ислом экстремизмига қарши кураш, ҳамда, диссидентлар масаласи бўйича шуғулланувчи бўлим ходими. – Улар ўтказаяётган ҳар бир акциялари учун катта грант оладилар».

Унинг сўзларига кўра, милицияга, гарчи ҳуқуқ ҳимоячилари қаршилик кўрсатмасалар-да, улар билан қўпол муносабатда бўлиш буйруғи берилган.

«Бизга улар ҳалқимиз душманлари ва Ғарб таъсирида бўлган айғоқчилар эканини уқтиришган», – дея қўшимча қилди Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ходими.

Сиёсатшунос Комрон Алиев эса, ҳуқуқ ҳимояси ташкилотларининг катта маблағ билан молиялаштирилиши ҳақидаги таҳминлар эртак эканини айтади.

Ҳуқуқ ҳимоячилари Ғарбдан катта маблағ олишлари оддий уйдирма», – дейди у. «Астойдил ҳаракат қилинса, ҳуқуқ ҳимоячиларида нафақат Америка айғоқчиларининг таъсири, балки Туркия, Покистон, Япония, ҳаттоки Муғилистон айғоқчилари таъсирини ҳам кўриш мумкин», – дея таъкидлайди Комрон Алиев.

«Бу махфий хизматлар уйдирмаси. Бу ишлар душман образини

яратиш ва халқни нафақат ҳуқуқ ҳимоячилари, балки умуман демократларга қарши қайраш учунгина амалга оширилаяпти. Мен ҳуқуқ ҳимоячиларининг улар оппонентлари бўлмиш ҳокимият амалдорлари ва ҳуқуқ тартибот идоралари ходимларидан фарқли ўлароқ бадавлат яшаётганларини билмайман», – деди Комрон Алиев.

(Сўров қилинганлар исм-шарифлари хавфсизлик нуқтаи назаридан ўзгартирилган.)

ҚОЗОҒИСТОН

Қозоғистон Халқаро инсон ҳуқуқлари бюроси
ҚХИҲБ Бош офиси
Алмати ш., 8 мкр., 4-а уй, 423 оф.
+7 727 225 42 71
roza@bureau.kz
www.bureau.kz

«Комсомольская правда -Козоғистон» газетаси
Алмати ш., Ұтеген-ботир кўч., 21А
+7 727 2774842
komszk@mail.ru
www.kp.kz

«MEDIALIFE» ЖЖ
Қарағанда ш., Алиханов кўч., 8а
+ 7 7212 425195
ovolkova@topmail.kz
www.medialife.kz

MediaNet Халқаро журналистика маркази
Алмати ш., Қазибек би кўч. 50, оф.100
+7 727 2724829
abramov@medianet.kz
www.medianet.kz

«Третья грань» журнали
Павлодар ш., 1 Май кўч., 40, оф.1
+7 7182 329085
yainebo@gmail.com
www.decenta.org/publish

«Диалог Талдикорган» газетаси
+7 7282 211631
ba4evskaja_yana@mail.ru

«ТВ-батис-инфо» жамоат бирлашмаси
Алмати ш., Махамбет кўч., 118 Б
+7 7122 326813
batys-info@mail.ru, v.s.lee@mail.ru

Ҳуқуқий сиёсат тадқиқоти маркази
Алмати ш., Манас кўч., 34А/8А, оф., 403
+ 7 727 244 8373, 244 8374
info@lprc.kz
www.lprc.kz

«FORPOST» мустақил журналистика ҳимояси ордени
Тараз ш., Абай кўч., 98, 3-қават, 34 офис
+7 7262 437842
orden_forpost@mail.ru

«Десента» жамғармаси (Павлодар)
Павлодар ш., Исиналиева кўч., 1, оф.210
+7 7182 329085
yainebo@gmail.com
www.decenta.org

Минтақавий журналистикани қўллаб-қувватлаш Павлодар маркази
Павлодар ш., М. Горкий кўч., 102/4, оф., 318
+7 7182 622580
shomshekov@gmail.com
www.presscenter.kz

«Адил Арка» минтақавий ОАВ ларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси
Петропавловск ш., Конституция Қазахстана кўч., 2, оф.,5
zaure-zhumaliev@rambler.ru

«Марказий Осиё озодлик овози» – минтақавий инсон ҳуқуқ ҳимояси портали
Voice of Freedom Central Asia
+7 727 2724829
vyacheslav.abramov@gmail.com
www.vof.kg

«Тілші» минтақавий журналистика маркази
Актобе ш., Чекалин кўч., 34-35
+7 701 3027907
aktleuov@list.ru

Шимолий Қозоғистон ҳуқуқий медиа-маркази
Остона ш., Бебитшилиқ кўч., 25, оф., 308

ТОЖИКИСТОН

«Мадина» нодавлат ташкилоти

Хорог ш., Ленин кўч., 137, уй.8
+ 992 3522 24360, 24987
ngomadina@mail.ru

«Наджоти Кудакон»

жамоатчилик ташкилоти
Кулоб ш., Борбад кўч., 13
2 52 35; 2 63 09, 918 67 80 02
farzona52@mail.ru

«Фараж» ижтимоий- сиёсий газетаси

Душанбе ш., Саади Шерозий
шоҳ кўчаси, 16
+992 372 385877
faraj-73@mail.ru

49.Мустақил Оммавий Ахборот Воситалари Миллий Ассоциацияси

Душанбе ш., Хусейнзода кўч., 34-415
+ 992 372 2213711, 2233058
nansmit@tojikiston.com
www.nansmit.tj

«Дилафруз» нодавлат ташкилоти

Қўрғон-Тепа ш., Борбад-3а кўч./29
+992 3222 32274, 22776
rayhona@kt.rs.tj

«Tajik times» ижтимоий- сиёсий газетаси

Душанбе ш., Мушфиқий кўч. 60/1
+992 37 2381384, 2340665
tajiktimes@yahoo.com

Меҳнат Халқаро ташкилоти Тожикистонда болалар меҳнати олдини олиш лойиҳаси

Душанбе ш., Айни кўч., 39
+992 47 4410641, +992 47 4410646
khosabekova@ilo.org

«Азия Плюс» ижтимоий- сиёсий газетаси

Душанбе ш., Саади Шерозий шоҳ
кўч., 16, 1-қават
+992 44 6007108; 6007110
gency@asiaplus.tj

Тожикистон Халқаро инсон ҳуқуқлари бюроси

Душанбе ш., Рудакий шоҳ кўч.,
137, оф.6
+ 992 372 2285110
Хўжанд ш., Ленин кўч., 6, 1 уй
+ 992 3422 43206
bhr.taj@gmail.com

Инсон ҳуқуқлари маркази

Душанбе ш., Чехов кўч., 1/4 уй.,1
+992 372 4442943
khalilov2002@mail.ru

Душанбедаги ЕХҲТ маркази

Инсон ҳуқуқлари бўйича бўлими
Душанбе ш., Аҳмад Дониш кўч., 18 А
+992 37 2265014, 2265015

«Паём» ахборот агентлиги

Қўрғон – Тепа ш., Борбад кўч., 1/15
+992 3222 25325
sotiev@tajik.net
www.payom.tj

UNIFEM Аёллар жамғармаси

Душанбе ш., Хусейнзода кўч., 35
+992 372 2211831, 2210645
Unifem@tajnet.com

«Ёшлар ва тараққиёт» нодавлат ташкилоти

Хўжанд ш., Ленин кўч., 42, 406 уй.
+992 3422 61770, 61790
siyc@yandex.ru
www.humanrights.tj

ҚИРҒИЗИСТОН

Қирғизистон республикаси Омбудсман институти

Бишкек ш., Тинистанова кўч., 120
+996 312 663141
ombudsman@inbox.ru

Болалар ҳуқуқини муҳофаза қилувчи ҳуқуқ ҳимоячилари Лигаси

Бишкек ш., Эркиндик кўч., 35, 18
+996 312 662587
cdri2008@gmail.com

«Озодлик овози» жамоат бирлашмаси

Бишкек ш., Советская кўч., 204,
4-қават
+996 312 906240
bagishbekov@gmail.com

«Адилет» ҳуқуқий клиникаси - жамоатчилик жамғармаси

Бишкек ш., Уметалиев кўч., 39
+996 312 653513
legal@elcat.kg

«Журналистлар» жамоат бирлашмаси

Бишкек ш., Ш. Руставели кўч., 48,
10
+996 312 563463
tokoevm@mail.ru

«Демократия ва фуқаролик жамияти учун Коалицияси» жамоат бирлашмаси

Бишкек ш., Токтогула кўч., 214
+996 312 310353
coalitionkg@gmail.com

Ёшлар ҳуқуқ ҳимояси гуруҳи

Бишкек ш., Московская кўч., 41 Б, 8 уй
+996 312 479840
spinstyle@yandex.ru

«Қилим Шами» ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилоти

Бишкек ш., Л. Толстой кўч., 114, 408
хона
+996 312 659431; 245976
abdirasulova@mail.ru

«Справедливость» ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилоти

Жалолобод ш., Ж. Бақиев кўч., 27
+996 3722 56038
gvalentina01@gmail.com

«Сорос-Қирғизистон» жамғармаси

Бишкек ш., Логвиненко кўч., 55-а
+996 312 663475, 622655
office@soros.kg

Медиа вакил Институти

Бишкек ш., Мира шоҳ кўчаси, 44/1
+996 312 595467, 595128
akmat@media.kg

Жамоат сиёсати Институти

Бишкек ш., Исанова кўч., 42/1
+996 312 682836
office@ipp.kg

ОАВ лари номига келиб тушадиган шикоят аризаларини кўриб чиқиш Кўмитаси

+996 775 981091
nvsk2006@mail.ru

«Коррупцияга қарши фуқаролик жамияти» жамоат бирлашмаси

Бишкек ш., Московская кўч., 158/11
+996 312 318645, 628091
info@anticorruption.kg

Institute for war & peace reporting

48 Gray's Inn Road
London, WC1X 8LT, UK
Tel: (44 20) 7831 1030
Fax: (44 20) 7831 1050
Web: www.iwpr.net
E-mail: info@iwpr.net



IWPR нинг Қирғизистон Республикасидаги ваколатхонаси

Қирғизистон Республикаси,
Бишкек шақри 720017
Тоголок Молдо кўчаси, 18-2
Тел.: + 996 312 664453, 61 38 70
Факс: + 996 312 61 38 70
E-mail: iwpr.kyrgyz@iwpr.net



IWPR нинг Қозоқистон Республикасидаги ваколатхонаси

Қозоқистон Республикаси,
Алмати шақри, 050000
Қазибек би кўчаси, 50
2 - чи қават, 84 офис
Тел.: + 7 727 2725903, 2726421, 2726890
E-mail: iwpr.kazakhstan@iwpr.net



IWPR нинг Тожикистон Республикасидаги ваколатхонаси

Тожикистон Республикаси,
Душанбе шақри, 734003
Рудакий проспекти, 137
“Тоҷикматбуот”, 6 – чи қават
Тел.: + 992 372 247026
E-mail: iwpr.tajikistan@iwpr.net
Тел./Факс: + 992 372 247051
